VATAN TUYG`USI HAR NARSADAN USTUN

# MILLIY TIKLANISH

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

10 (227) ● 2013 йил 20 март, чоршанба ● Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг ижтимоий-сиёсий газетаси

ЎзМТДП — www.mt.uz | Тахририят — www.milliytiklanish.uz | 2008 йил 30 октябрдан чиқа бошлаган

«ОММАВИЙ маданият» хуружига қарши фарзандларимиз маънавий дунёсини юксалтириш, уларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, миллатимиз тарихи, қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим.



ҲОЗИР янгитдан бунёд этилган болалар спорт объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола ўттиздан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланаяпти.



ИСТИҚЛОЛ йилларида юртимизда илму фан, саноат ва техника, маънавият ва маърифатга бўлган эътибор янада кучайди. Айниқса, саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.



3 ПАРТИЯ ҲАЁТИ
5 МАЪНАВИЯТ
7 ЖАРАЁН

# Президент Ислом Каримовнинг Наврўз байрамига бағишланган тантанали маросимдаги табрик сўзи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам меҳмонлар!

Шу кунларда каттаю кичик барча юртдошларимиз бағрини кенг очиб, баҳор, яшариш ва янгиланиш рамзи бўлмиш Наврўз айёмини "Хуш келибсан ўлкамизга, Наврўзи олам!" деб, шоду хуррамлик билан кутиб олмоқда.

Шу мунаввар тонгда сиз азизларни, сизларнинг тимсолингизда бутун халқимизни Наврўз айёми билан чин қалбимдан табриклаб, барчангизга ўзимнинг ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

"Нима учун биз Наврўзни доимо соғиниб, интизорлик билан кутамиз? Нима учун бу сана барчамиз учун энг севимли, энг ардоқлайдиган байрамимизга айланиб қолган?", деган савол берилиши табиийдир.

Бунинг сабаби, Наврўзи олам биз учун энг қадимий, асл миллий, турли мафкура ва сиёсатлардан холи, урф-одатларимизга ва қадриятларимизга жавоб берадиган байрам, десам, айни ҳақиқатни айтган бўламан.

Нега деганда, Наврўз ўз руҳи ва ғоялари билан ҳар қайси инсон она заминнинг, табиатнинг ажралмас узвий қисми эканини, табиатнинг нақадар гўзал эканини ҳис қилиб, уни эъзозлаб, ҳамнафас бўлиб яшашга ундаши билан бизга қадрлидир.

Ҳар қандай ғараз, гиналар ва низолардан воз кечиб, тинч ва осойишта ҳаётнинг қадрига етиш, аҳиллик ва бирдамлик, элатлар орасида ўзаро ҳурмат ва ҳамжиҳатлик нақадар бебаҳо бойлик эканини улуғлаши, ўзининг даъватлари билан Наврўз байрами халқимизнинг қарашларига ғоят ҳамоҳангдир.

Айни ана шундай чуқур мазмун ва маънога эга бўлгани туфайли, хосият ва файз, кут-барака ва мурувват каби хусусиятларни ўзида мужассам этиши билан кун ва тун тенг келадиган шарқона Янги йилимизни — бу гўзал баҳор айёмини барчамиз орзиқиб кутамиз, эъзозлаймиз, хурсандчилик билан умуммиллий байрам сифатида ўтказамиз.

Бунинг яққол тасдиғини шу кунларда юртдошларимизнинг тобора очилиб келаётган табиатдан баҳра олиб, сумалак ва ҳалим, гўжа ва кўксомса каби баҳорий неъматлар тортилган дастурхонлар атрофида, яшил майдон ва кўкаламзорларда ўтказилаётган сайил-томошаларда, миллий кураш ва улоқ чопиш мусобақаларида кўриш ва кузатиш қийин эмас.

Айни шу бетакрор фаслда одамларимиз халқимизга мансуб бўлган, унинг одатига айланиб кетган қадриятлар — бир-бирига меҳр-оқибат кўрсатиш, беморлар, кўнгли ярим инсонларга беминнат ёрдам бериш, табаррук кексаларимизнинг дуосини олиш каби эзгу фазилатларни яққол намоён этиб, ўз қувончи ва шодлигини яқинлари, дўсту ёрлари, қўни-қўшнилари билан баҳам кўришга интилади.

Она Ватанимизда яшайдиган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча-барча юртдошларимиз ана шундай хурсандчилик кайфиятига берилиб, Наврўзни ўз қадрдон байрамидек қабул қилади.

Мана шундай қувончли дамларда бугун халқимизга катта ҳурмат ва эҳтиром билдириб, шу гўзал майдонда Наврўз шодиёналаримизда иштирок этаётган чет мамлакатларнинг муҳтарам элчилари ва халқаро ташкилотлар вакилларини, хорижий шерик ва ҳамкорларимизни, барча азиз меҳмонларимизни сизларнинг номингиздан, бутун халқимиз номидан қутлаб, уларга миннатдорчилик билдиришга рухсат бергайсиз.

Азиз дўстларим, қадрдонларим!

Шу ёруғ лаҳзаларда мана шундай муҳташам ва файзли майдонда жамулжам бўлган сиз азизларга, сизларнинг сиймонгизда барча табаррук кексаларимиз, мунис опа-сингилларимизга, кўзлари ёниб турган, халқимизнинг таянчи ва суянчи бўлмиш навқирон ёшларимизга — менинг фарзандларимга ўзимнинг чуқур меҳрим, севги ва ҳурматимни изҳор этаман.

Барчангизни бағримга босиб, яна ва яна бир бор бугунги дилбар айём билан қутлаб, юрагимда, қалбимда бўлган самимий тилакларимни билдираман.

"Обод турмуш" деб ном олган йилимизнинг Наврўзи ҳаммамизга, барча-барча хонадонларга, оилаларга тинчлик-омонлик, бахту саодат, файзу барака келтирсин!

Орзу-ниятларимиз ушалсин, Ўзбекистонимиз янада обод ва фаровон бўлсин!

Наврўзи олам барчамизга муборак бўлсин!



# Бунёдкорлик, ободлик ва фаровонлик айёми

### *Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж*

Қиш заҳридан толиққан замин баҳор насимидан энтикади. Шарқираб оққан сувлар унга яна ҳаёт бахш этади. Дарахтлар сулув келинчаклардек бошига яшил гулчамбар тақади. Қиру адирларда майсалар бўй чўзади. Мусаффо осмон узра чарақлаб чиққан қуёш кўнгилларни-да ёриштириб юборади.

Бундай фараҳбахш дамларда инсон қалби беихтиёр қувончга тўлади. Шу кунларга етганига шукрона айтиб, шоду хуррамлик қилгиси келади.

Ана шу табиий эҳтиёжнинг, эзгу хоҳиш-истакнинг ҳосиласи бўлиб юртимизга Наврўз кириб келди. Шаҳару қишлоқларда, маҳаллаларда карнай-сурнай садолари янграмоқда. Кўчаларни тўлдириб бораётган одамларнинг юз-кўзларида шодумонлик. Набирасини етаклаган отахонлар, кайвони онахонлар, ўйинқароқ болакайлар, баҳордек латофатли қиз-жувонлар, оташқалб йигитлар Наврўз сайлига ошиқади...

19 март. Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғи байрамона безатилган.

Бу ерга сенаторлар ва депутатлар, ҳукумат аъзолари, фан, маданият, санъат, спорт намояндалари, ишлаб чиқариш илғорлари, тадбиркорлар, муҳтарам отахону онахонлар, турли соҳаларда меҳнат қилаётган юртдошларимиз, мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган хорижий давлатлар элчихоналари ва халқаро ташкилотлар ваколатхоналарининг вакиллари ташриф буюрган.

Соат 10:30. Майдонга Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кириб келади.

Байрам тантанасига ҳозир бўлганлар давлатимиз раҳбарини қарсаклар билан кутиб оладилар.

Чорлов мусиқаси янграйди.

Сўз Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовга берилади.

Давлатимиз раҳбари халқимизни Наврўз байрами билан муборакбод этади.

Муаззам майдон атрофида турфа ранглардаги байроқчалар ҳилпирайди. Саҳна теграсида ўрнатилган сўрилар, қўшайвонлар халқимизнинг обод ва файзли хонадонларини эслатади. Оҳиста айланаётган чархпалак бу манзилларга ободлик ва фаровонлик белгиси — обиҳаёт олиб келади. Ҳар бир юртдошимизга таниш, кўнгилга яқин бундай файзли манзара қалбларга кўтаринкилик бағишлайди.

Фусункор майдон узра борлиқ уйғониши, янги кунни мадҳ этувчи наво таралади. Саррин куй оғушида улкан мониторларда юртимиз манзаралари - ям-яшил боғлар, бепоён далалар, замонавий иншоотлар, қадимий обидалар, бунёдкор замондошларимиз қиёфаси намоён бўлади.

Майдонга Обод турмуш маҳалласи фаоллари чиқиб келади. Наврўз байрамини аҳиллик ва ҳамжиҳатликда, маҳаллани янада обод ва кўркам этган ҳолда кутиб олиш борасида кенгашади.

Наврўз ободлик, орасталик, меҳр-оқибат, хайру саховат айёмидир. Халқимиз бу йил ҳам Йилбошини ана шу эзгу тамойилларга мувофиқ кутиб олмоқда. Баҳорнинг дастлабки кунларидан юртимизда ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари авжига чиқди. Умумхалқ ҳашари ташкил этилиб, маҳаллалар, кўчалар, аҳоли турар-жойлари ободонлаштирилди, ариқ-зовурлар тозаланди, зиёратгоҳ, қабристон ҳамда муқаддас қадамжолар тартибга келтирилди, мевали ва манзарали дарахтлар, гул кўчатлари ўтқазилди.

Байрам кунларида серғайрат ёшлар, қўли очиқ тадбиркорлар кўмакка муҳтожларга беминнат ёрдам берди. Беморларнинг ҳолидан хабар олинди. Қўни-қўшнилар бир-бирларига Наврўзнинг тансиқ таомларини илинди.

Кўпчиликнинг ҳайрати ва ҳавасини уйғотадиган, юртимиздаги барча маҳаллада қарор топган бундай ҳамжиҳатлик муҳити Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маҳалла институтини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган изчил ишлар самараларидандир.

Мустақиллик йилларида маҳалла ҳаёти билан боғлиқ кўплаб қадриятлар, удум ва анъаналаримиз қайта тикланиб, замон талаблари асосида бойиб бормоқда. Маҳалла идорасининг ҳуқуқ ва ваколатлари тобора кенгайтирилмоқда. Бу фуқаролик жамиятини шакллантириш, оила институтини мустаҳкамлаш, тадбиркорликни ривожлантириш, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш, жамоатчилик назорати ва ижтимоий шерикликни кучайтириш, пировардида, ҳаётимизни янада обод қилишда муҳим аҳамият касб этаётир.

2-бет



"Milliy tiklanish" газетасига обуна бўлинг!

Нашр кўрсаткичи — 158





# Бунёдкорлик, ободлик ва фаровонлик айёми

## Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий боғида бўлиб ўтган Наврўз байрами тантаналаридан репортаж

(Давоми. Боши 1-бетда)

...Саҳнага — майдонга жажжи болакайлар кириб келади, ҳар тараф шўх-шодон кулгуга тўлади. Улар ижросидаги бахтиёр болаликни, мустақил юрт фарзандларининг беғубор ва қувноқ ҳаётини тараннум этувчи жарангдор куй-қўшиқлар, жозибадор рақслар барчага завқ-шавқ бағишлайди...

Халқимиз азал-азалдан фарзандлар бахту иқболини ўйлаб, эзгу орзулар билан яшайди. Наврўз кунларида фарзандларига атаб, уларнинг бахтли ва фаровон келажагини ўйлаб ниҳол экиб, боғ яратади.

Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилмайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизида, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажагини кўриш, дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш орзуси мужассамдир. Бу соҳада амалга оширилаётган ишлар самараси ўғил-қизларимизнинг соғлом ва баркамоллигида намоён бўлмоқда. Таълим тизимининг умумий ўрта, ўрта махсус ҳамда олий таълим тизимидан иборат барча босқичида замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, чет тилларида эркин сўзлашадиган, жисмонан чиниққан, эътиқоди мустаҳкам авлод вояга етмоқда.

Бу Франциядаги "Инссад" халқаро бизнес мактаби томонидан Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрланган "Инновацияларнинг глобал индекси" маърузасида ҳам ўз ифодасини топди. Инновацион ривожланиш комплекс тарзда таҳлил қилинган ушбу маърузада Ўзбекистон 141 мамлакат орасида инсон капиталини ривожлантириш даражаси бўйича 35-ўринни, таълим тизимини ривожлантириш даражаси бўйича эса 2-ўринни эгаллади.

Ёшларимиз энг нуфузли танловларда, Олимпиада ва жаҳон чемпионатларида ҳеч кимдан кам эмаслигини исботламоқда. 2012 йилда футбол бўйича Ўзбекистон ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатида муваффақиятли иштирок этиб, жаҳон чемпионатига йўлланма олди.

Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида пойтахтимизда қуриб битказилган "Бунёдкор" спорт комплекси мамлакатимиз спорти ҳаётида, қолаверса, Ўзбекистон тарихидаги катта воқеа бўлди. Халқаро футбол уюшмалари федерацияси — ФИФА томонидан Ўзбекистон футбол федерациясининг "Fair Play" (ҳалол ўйин) совринини билан тақдирлангани Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда футболни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътиборнинг халқаро миқёсдаги яна бир эътирофи бўлди.

Тинч-осойишта элда хурсандчилик, тўй-томоша бўлади, ҳаловатли халққа байрамлар ярашади. Мамлакатимизда олиб борилаётган оқилона сиёсат самарасида осмонимиз мусаффо, тинчлик-барқарорлигимиз мустаҳкам, турли миллат ва элат вакиллари ягона оила фарзандларидек аҳил ҳаёт кечирмоқда.

Бир кун жанжал чиққан жойдан қирқ кун барака кўтарилади, дейди халқимиз. Дунёнинг турли минтақаларида юз бераётган нотинчликларни, таназзулни кўриб, ушбу нақл ҳикматини янада чуқурроқ англаймиз. Шундай тинч, осуда, фаровон юртда яшаётганимизга шукроналар айтамиз.

Тинчлик барқарор юртда қут-барака, ривожланиш бўлади. Буни глобал молиявий-иқтисодий инқироз ҳамон давом этаётган бугунги шароитда мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор суръатларда ривожланаётганида ҳам кўриш мумкин. Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар самарасида 2012 йилда Ўзбекистон аҳоли турмуш даражасини изчил юксалтиришни таъминлади, дунё бозоридаги ўз позициясини мустаҳкамлади. Мамлакатимиз ялпи ички маҳсулоти 8,2 фоизга ўсди. Аҳоли даромадлари миқдори 17,5 фоизга кўпайди.

Янги иш жойларини ташкил этиш, айниқса, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан таъминлашга қаратилаётган эътибор натижасида аҳоли турмуш даражаси юксалиб бормоқда. Ўтган йилда ушбу мақсадга қаратилган комплекс чора-тадбирлар дастурини амалга ошириш ҳисобидан қарийб бир миллион янги иш ўрни ташкил этилди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш бундан буён ҳам энг устувор йўналишлардан бири бўлиб қолади. Хусусан, жорий йилда 970 мингдан ортиқ янги иш ўрни яратилади. Бу оилалар фаровонлигини, маҳаллалар ободлигини, ёшларнинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Бу борада кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳаси алоҳида ўрин тутади. Бугунги кунда ушбу сектор жамиятимиздаги иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг муҳим омилига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бормоқда. Соҳа вакиллари халқимиз фаровонлиги, дастурхонимиз тўкинлиги, иқтисодиётимизнинг жадал ривожланишига муносиб ҳисса қўшаётир.

Бу жиҳатлар 2012 йил 14 сентябрь куни Тошкентда бўлиб ўтган «Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий сиёсатни амалга оширишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг роли ва аҳамияти» мавзуидаги халқаро конференцияда хорижлик ишбилармонлар, етакчи экспертлар томонидан ҳам эътироф этилди.

Янгиланиш — нафақат табиатга, балки жамият ҳаётига ҳам хос жараён. Наврўз арафасида янги уй-жойлар, корхоналар, тиббиёт ва ўқув муассасалари, хизмат кўрсатиш шохобчалари фойдаланишга топширилади. Бу иншоотлар Ватанимиз чиройига чирой қўшиш билан бирга, юртдошларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга хизмат қилади.

Наврўздан Наврўзгача мамлакатимиз иқтисодий-ижтимоий ҳаётида улкан ишлар амалга оширилди. Йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилди.

Самарқанд вилоятида Германиянинг "МАН" компанияси билан ҳамкорликда юк автомобили ишлаб чиқариладиган янги комплексни бунёд этишнинг иккинчи босқичи якунланди. Сурғил кони базасида дунё мезонлари бўйича ҳам ноёб бўлган Устюрт газ-кимё комплекси қурилиши бошланди. Қашқадарё вилоятида Жанубий Африканинг "Сасол" компанияси ва Малайзиянинг "Петронас" корпорацияси билан ҳамкорликда синтетик суюқ ёқилғи ишлаб чиқариш бўйича йирик лойиҳани амалга оширишга киришилди.

"Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ташкил этилганидан буён бу ерда 12 та корхона қурилиб, фойдаланишга топширилди. 2012 йилда улар томонидан қарийб 80 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. "Ангрен" махсус индустриал зонаси ҳудудида қиймати 186 миллион долларлик 8 инвестиция лойиҳаси амалга оширилмоқда.

2012 йилда Ўзбекистонда барча қишлоқ хўжалиги экинлари — ғалла, пахта, сабзавот, полиз экинлари ва узумдан юқори ҳосил олинди. 7 миллион 500 минг тонна ғалла, 3 миллион 460 минг тоннадан ортиқ пахта, 2 миллион тоннадан зиёд картошка ва 9 миллион тоннадан ортиқ сабзавот ҳамда полиз маҳсулотлари етиштирилди.

Қишлоқ хўжалигида бозор муносабатларининг ривожлантирилаётгани, фермерлик ҳаракатига кенг имкониятлар берилаётгани бундай юксак натижаларни қўлга киритишда муҳим омил бўлмоқда.

Хизматларнинг юқори технологияларга асосланган ва бозор иқтисодиётига хос турлари жадал ривожланмоқда. Жумладан, 2012 йилда алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари 24,5 фоизга, компьютер дастурлаш хизматлари 18 фоизга, технологик асбоб-ускуналарни таъмирлаш ва уларга хизмат кўрсатиш 17 фоизга, молия-банк хизматлари 17,6 фоизга ўсди.

— Ўзбекистонда баҳор байрами — Наврўзни тўртинчи марта кутиб олаётганимдан мамнунман, - дейди Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Чон Дэ Ван. — Ҳар йили ушбу айёмда тайёрланадиган сумалакни бажонидил тановул қиламан. Президент Ислом Каримов раҳнамолигида Ўзбекистон ҳар томонлама жадал ривожланмоқда. Буни мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик кўлами йилдан-йилга кенгайиб, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми тобора ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Ўзбекистон билан Жанубий Корея ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари бундан кейин ҳам изчил тараққий этаверишига ишонаман. Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин қалбимдан муборакбод этаман, тинчлик, бахт-саодат тилайман!

— Наврўз — ўзига хос ноёб, ажойиб байрам, - дейди Франция Республикасининг Ўзбекистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Франсуа Готье. — Бу байрам барчага қувонч улашади, ҳамжиҳатлик, меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди. Биз ҳам бу шодиёнада иштирок этиб, давлат ва жамоат арбоблари, хорижлик меҳмонлар, ҳамкасбларимиз билан дийдор кўришамиз, байрам дастурини катта қувонч билан мириқиб томоша қиламиз. Байрам тантанасидаги кўтаринки руҳ, одамлар юз-кўзидаги қувонч ва шодлик юртингиздаги тўкинлик, фаровонлик, тинч ва осуда ҳаётдан далолатдир.

Наврўз байрамини хурсандчилик, ўйин-кулги, яхши тилак ва истаклар билан кутиб олиш ва ўтказиш халқимизнинг эзгу фазилатларидандир. Бу кунларда халқ термалари, бахшилар айтишуви, ҳазил-мутойиба, қўшиқлар, лапарлар янграган. Улоқ-кўпкари, кураш, мерганлик, қўчқор ва хўроз уриштириш каби томошалар ўтказилган. Дорбозлар, масхарабозлар, қўғирчоқбозлар, полвонлар ўз санъатини намойиш этган. Сумалак, ҳалим, кўксомса каби хилма-хил баҳорий таомлар пиширилган.

"Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ҳамда ЮНЕСКОнинг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ўтказилаётган "Асрлар садоси" анъанавий маданият фестивали ана шу бой маънавий меросимизни кенг тарғиб этиш, санъатнинг турли йўналишларида фаолият кўрсатаётган ижодкорларни қўллаб-қувватлашга хизмат қилаётир.

«Art Week Style.uz — 2012» санъат ҳафталиги ҳам ўзига хос маданият ва санъат байрамига айланди. Ҳафталик доирасида ўтказилган «Олтин Гепард» иккинчи халқаро Тошкент кинофоруми, «Theatre.UZ/2012» халқаро театр фестивали, VI халқаро Тошкент фотобиенналеси каби йирик лойиҳаларда мусиқа, кино, театр, фотография, тасвирий санъат, дизайнерлик, мода, меъморлик каби кўплаб соҳа ва йўналишлардаги ютуқлар намойиш этилди.

2012 йилда Конституциямиз қабул қилинганининг 20 йиллигини нишонладик.

Обод турмуш йили арафасида давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ғояси ва ташаббуси асосида пойтахтимизнинг Алишер Навоий кўчасида бунёд этилган кўпқаватли замонавий уйлар фойдаланишга топширилди. Бу шаҳарнинг меъморий қиёфасини янгилаб, бошқа иншоотлар билан уйғунлик касб этди. Пойтахтимизни замонавий шаҳарсозлик талаблари асосида режали ривожлантиришга қаратилган бундай изчил ишлар самарасида Тошкент дунёдаги экологик жиҳатдан тоза ва кўркам қиёфага эга етакчи пойтахт шаҳарлар қаторидан жой олмоқда. 2012 йилда Буюк Британиянинг нуфузли Economist Intelligence Unit (EIU) компанияси эълон қилган рейтингда Тошкент дунёнинг яшаш қулай бўлган шаҳарлари орасида қайд этилгани бунинг далилидир.

Президентимиз Ислом Каримов таклифига биноан Обод турмуш йили, деб эълон қилинган жорий йилда мамлакатимиз қиёфасини тубдан ўзгартириш, шаҳар ва қишлоқларимизда замонавий архитектура талаблари асосида уй-жойлар, ижтимоий объектлар барпо этиш, аҳолига муносиб турмуш шароитларини яратиш борасидаги бундай ишлар янада кенг кўлам касб этмоқда.

"Обод турмуш йили" Давлат дастурига мувофиқ қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида барпо этилаётган 10 мингта якка тартибдаги замонавий уй-жой қишлоқларимиз қиёфасини яхшилаш, одамларнинг турмуш маданиятини оширишга хизмат қилади.

Бундай юксалишлар юртдошларимизнинг онгу тафаккури ва дунёқарашини ҳам ўзгартирмоқда. Одамлар бугунги ҳаётидан мамнун бўлиб, келажакка катта ишонч билан яшамоқда. Каттаю кичикнинг ҳаётга, меҳнатга муносабати ўзгариб, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бормоқда.

— Наврўз тантаналарини томоша қилар эканман, Юртбошимиз раҳнамолигида мустақиллик йилларида мамлакатимиз ҳар томонлама ривожланганига, одамларимизнинг турмуш даражаси ўсиб, дунёқараши ўзгариб бораётганига яна бир бор амин бўлдим, - дейди Фарғона вилояти Бешариқ туманида яшовчи меҳнат фахрийси Комилабиби Худойназарова. — Мисли кўрилмаган бу ютуқлар, бу ўзгаришлар мана шу тантаналар шукуҳида, юртдошларимизнинг қувончида ҳам яққол кўриниб турибди. Шундай дориломон кунларга етганимизга шукроналар айтамиз. Илоҳим, юртимиз тинч, ҳаётимиз обод, халқимиз фаровон бўлсин.

Бахтли яшашнинг омилларидан бири саломатликдир. Замонавий шифо масканлари бунёд этиш, тиббий хизмат сифатини ошириш, касалликларнинг олдини олиш, аҳолининг тиббий маданиятини юксалтириш, репродуктив саломатликни мустаҳкамлаш, болалар спортини ривожлантириш каби йўналишларда амалга оширилаётган ишлар халқимизнинг ана шундай бахтли ҳаёт кечиришини таъминлашга хизмат қилмоқда.

Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозланган, юрак-қон томир касалликларига чалинган беморларга жаҳон стандартлари даражасида диагноз қўйиш ва уларни даволаш имконини берадиган Кардиожарроҳлик мажмуасининг очилиши аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилаётган эътиборнинг яна бир ифодаси бўлди.

Жорий йилда ҳам обод турмушнинг муҳим шарти сифатида инсон саломатлигини мустаҳкамлаш, бунинг учун соғлиқни сақлаш тизимини замонавий даволаш воситалари, техника ва технологиялар билан таъминлаш, касалликларнинг олдини олиш ишларини янада кучайтириш масалалари устувор вазифа бўлиб қолади.

...Сумалак — минг дардга даво тансиқ таом. Кўпчиликнинг меҳридан, бирдамлик ва аҳилликдан тотли бўлган неъмат. Халқимиз ҳар йили баҳорда дошқозонларда сумалак пиширади. Қўни-қўшни, маҳалла-кўйга тарқатади. Бу танларга қувват, руҳга тиниқлик бағишлайди. Ўзаро меҳр-оқибатни мустаҳкамлайди.

Ўзбекистонимизнинг бош саҳнасида сумалак тайёрланиши ана шундай миллий қадриятларимизни, эзгу интилишларни ифодалайди. Шўх-шодон болакайлар "Сумалак" қўшиғини ижро этади.

Санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш хонандалар ўзларининг янги куй-қўшиқларини, рақсларини ижро этадилар.

Майдон узра таралган мусиқий оҳанглар, ҳофизлар хонишида Наврўз, Ватан, жамиятимиздаги бунёдкорлик муҳити, ёшлик, севги ва вафо тараннум этилади...

Миллий боғда ташкил этилган халқ ҳунармандлари кўргазмасида намойиш этилаётган маҳсулотлар бунёдкор, меҳнатсевар халқимизнинг бой маданий мероси ва юксак санъатининг ифодаси сифатида кўнгилда фахр уйғотади.

Қиру адирларда, дашту далаларда, кўча ва хиёбонларда дилларни эркалаб баҳор сабоси таралмоқда, борлиқни уйғотувчи Наврўз навоси янграмоқда.

Мамлакатимизнинг барча шаҳар ва қишлоқларида Наврўз сайиллари, байрам шодиёналари давом этмоқда.

**Анвар САМАДОВ,**
**ЎзА мухбири**

# ПЛЕНУМ

**ЎзМТДП ТАШКИЛОТЛАРИДА**

# Дастурий вазифалар ижросини таъминлаш

## борасидаги долзарб масалалар ҳудудий ташкилотлар пленумларида муҳокама этилди

***Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг бир қатор ҳудудий партия ташкилотларининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтмоқда. Унда партия ташкилотларининг 2012 йилдаги фаолияти якунлари танқидий-таҳлил этилиб, жорий йилдаги устувор вазифалар, чора-тадбирлар белгиланмоқда. Йиғилишларда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, партия вилоят Кенгашлари аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этмоқда.***

ЎзМТДП Наманган ва Фарғона вилоят Кенгашлари пленумида партия Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Турсунов иштирок этиб, партия ташкилотлари ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини жонлантириш юзасидан амалга оширилиши лозим бўлган масалаларга эътибор қаратди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда сиёсий партияларнинг юртимизда кечаётган чуқур ўзгариш ва янгиланишлар жараёнида фаол иштирок этиши учун барча ҳуқуқий асос ва имкониятлар яратилди. Сиёсий партиялар эндиликда ана шундай имконият, шарт-шароитдан унумли фойдаланишлари лозим. Партиямиз жамиятда ўз ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, кенг жамоатчилик эътиборини қозониш йўлида дастурий мақсадлари ва сайловолди Платформасидан келиб чиққан ҳолда фаолият олиб бормоқда. Ҳудудий партия ташкилотларининг ўтган йилдаги фаолиятининг таҳлили келгусида амалга оширилиши лозим бўлган аниқ вазифаларни белгилашга имкон беради, - деди партия раҳбари.

Партиямизнинг 2013 йилдаги устувор вазифалари ҳақида гапирар эканмиз, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги ва 2012 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2013 йилга мўлжалланган иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаларида белгиланган устувор вазифаларни ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда ҳаётга татбиқ этиш фаолиятимизнинг асосини ташкил этиши алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Партиямиз Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган IX-пленумида бир қатор долзарб вазифалар белгиланди. Жумладан, бугунги кунда олдимизда турган энг долзарб вазифалардан бири жойлардаги депутатлик гуруҳларининг амалий ташаббусларини кучайтиришдир. Партия Марказий Кенгаши ўтган йили депутатлик гуруҳларимизга «Ҳудудда туризмни ривожлантириш: муаммо ва ечимлар» мавзусини халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари сессияларида ташаббус сифатида олиб чиқишни тавсия қилган эди. Жорий йилда бу ишни давом эттириш, соҳанинг таълим, илмий, экологик, спорт-соғломлаштириш каби турларини ривожлантириш, кўрсатилаётган сервис хизматларининг сифатини, саёҳатчиларни жалб этишнинг замонавий шакл ва усулларидан фойдаланишни, миллий туристик индустрияга замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга кўмаклашиш партиямиз ва депутатларимизнинг устувор вазифаларидан бири бўлиши лозим.

Партиямиз доимо ёшлар масаласига алоҳида эътибор бериб келади. Ёш авлодни миллий ва мустақиллик ғоялари асосида тарбиялаш, Ватанга муҳаббат туйғусини шакллантириш, маънан юксак, жисмонан бақувват авлод бўлиб етишишларига кўмаклашиш йўналишидаги ишларни янада кучайтириш даркор. Шунингдек, жорий йилда партия фаолиятини янада такомиллаштириш, сиёсий-ҳуқуқий, маънавий ва иқтисодий жиҳатдан дунёқараши ва билим доираси кенг, масъулиятни ўз бўйнига ола биладиган етук кадрлар захирасини вужудга келтириш, партия мафкураси ва ғоясига янгича ёндашувларни шакллантиришга қаратилган ишларни янги босқичга кўтаришимиз зарур, - деди пировардида партия раҳбари.

ЎзМТДП Наманган вилояти Кенгаши пленумида партия дастурий вазифалари ижросини таъминлаш, маънавий-маърифий, ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий мавзулардаги тарғибот тадбирлари сони ва сифатини ошириш масаласига эътибор қаратилди. Таъкидланганидек, ўтган йилда партия вилоят Кенгаши томонидан тадбирлар, давра суҳбати ва ўқув-семинарлари воситасида ЎзМТДП ғояси ва мафкурасини тарғиб-ташвиқ қилишга қаратилган 517 дан зиёд тадбир ўтказилди ва унда 62 минг нафардан зиёд юртдошларимиз иштирок этишди.

Партия Фарғона вилоят Кенгаши пленумида асосий эътибор электорат манфаатларини ҳимоя қилишда партия ташкилотлари ҳамда депутатлик гуруҳларининг ўзаро ҳамкорлигини янги босқичга кўтариш масалаларига қаратилди. Ўтган йилда партия депутатлик гуруҳлари томонидан 25 дан ортиқ масалалар жойларда ўрганилиб, 100 дан ортиқ депутатлик сўровлари амалга оширилди. Халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари кун тартибига 10 дан зиёд масалалар олиб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилди. Маҳаллий Кенгашлар депутатлари фуқаролар мурожаатларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш бўйича ҳам анчайин самарали фаолият олиб борганликлари таъкидланди.

ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши пленумида партия ташкилотининг ўтган йилдаги фаолияти танқидий-таҳлил қилинди ва чора-тадбирлар белгилаб олинди. Йиғилишда партия сафини ғоя ва мақсадларимизга ишонган ташаббускор ва изланувчан фуқаролар ҳисобига доимо тўлдириб бориш, уларнинг сиёсий-ҳуқуқий билим ва кўникмаларини юксалтириш мақсадида ўқувлар сифатини ошириш юзасидан чора-тадбирлар белгилаб олинди.

— Партиямиз Марказий Кенгаши пленумида ўқув-семинарлар сифатини тубдан ошириш орқали партия кадрлар салоҳиятини кучайтириш жорий йилдаги устувор вазифа сифатида белгиланди, - деди йиғилишда сўзга чиққан ЎзМТДП Андижон вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Комилжон Отахонов. — Дарҳақиқат, иш жараёни фаолиятимизда кадрлар масаласи ҳал қилувчи омил эканини кўрсатиб турибди. Қаерда кадрлар тўғри танланган бўлса, ўша ерда иш унумдорлиги ҳам ошади. Вилоят Кенгаши ташаббускор, масъулиятни ҳис қиладиган, замонавий дунёқараш ва билимларга эга кадрлар захирасини шакллантириш ҳамда шу орқали партиянинг интеллектуал салоҳиятини оширишга алоҳида эътибор қаратиши лозим бўлади.

Пленумда захирага олинган депутатликка номзод-кадрлар билан доимий равишда иш олиб бориш, уларни партия фаолиятига ҳамда тадбирларимизга мунтазам жалб этиш зарурлиги таъкидланди. Шунингдек, пленум кун тартибида бошқа масалалар ҳам атрофлича муҳокама этилди.

ЎзМТДП Тошкент вилоят Кенгаши пленумида партия дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда "Обод турмуш йили" Давлат дастури ижросини таъминлашга кўмаклашиш, бунга депутатлик гуруҳларини кенг жалб этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Пленумда партия вилоят Кенгашининг ўтган йилдаги фаолияти таҳлил қилинди. Таъкидланганидек, 2012 йилда партия мақсад ва ғояларини аҳоли орасида кенг тарғиб қилишга қаратилган мингдан ортиқ тадбирлар ўтказилган. Партия аъзолари икки баробарга кўпайиб, 10783 нафарни ташкил этган. Халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги партия депутатлик гуруҳлари томонидан фуқаролардан келиб тушган аризаларга кўра 29 та масала жойларда ўрганилиб, 34 та депутатлик сўровлари тегишли ташкилот, идора ва корхоналарга юборилди. Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сессиялари муҳокамасига 48 та масала олиб чиқилиб, тегишли қарорлар қабул қилинишига эришилган.

**Камолиддин ҲОТАМОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# ПАРТИЯ ҲАЁТИ

ЁШЛАР ҚАНОТИ

## Глобаллашув даврида ёшлар

**маънавиятини юксалтириш ЎзМТДП эътиборида**



*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли ишда фаол иштирок этишни муҳим вазифаси деб билади. Шу мақсадда партия ташкилотлари томонидан турли тадбир, давра суҳбати, форум ва учрашувлар ташкил этиб келинмоқда.*

ЎзМТДПнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, партия “Ёшлар қаноти” ҳамда Тошкент давлат техника университети ҳамкорлигида “Глобаллашув ва ёшлар: оммавий маданият ва маънавий таҳдидлар” мавзусида ўтказилган давра суҳбати ҳам ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилди. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, Марказий Кенгаш Ижроия Қўмитаси девони ходимлари, “Ёшлар қаноти” етакчилари, Тошкент давлат техника университети ўқитувчилари, ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Тошкент давлат техника университетининг проректори, сиёсий фанлар доктори Саидхон Саидолимов кириш сўзи билан очиб, бугунги глобаллашув даврида мамлакатимиз ёшларининг маънавий дунёқарашини юксалтириш, уларда миллий-маънавий иммунитетни мустаҳкамлаш ҳар биримизнинг вазифамиз эканлигини таъкидлади.

Дарҳақиқат, ўсиб келаётган ёш авлод келажагимиз эгалари, юртимиз келгуси тараққиётининг мустаҳкам пойдевори бўлишлари лозим. Шу боис мамлакатимизда уларни Ватан равнақи йўлида собитқадам баркамол авлод қилиб тарбиялаш, жамиятнинг ҳар бир жабҳасида уларнинг фаол иштирокини қўллаб-қувватлаш, билим ва кўникмаларини юксалтириш мақсадида кенг кўламдаги саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда.

— Таъкидлаш жоизки, ахборот асрида фуқароларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжи ва глобал тармоқдан фойдаланиш кўрсаткичи ортиб бормоқда. Статистик маълумотларга кўра, бугунги кунда Ўзбекистонда 10 млн.дан ортиқ аҳоли интернет хизматидан фойдаланмоқда. Шундан 90-92 фоизини ёшлар ташкил этади, - деди ЎзМТДП фракцияси аъзоси Шуҳрат Деҳқонов. — Партиямиз сайловолди Платформасида юртимизда камол топаётган ёш авлодни миллий, маънавий, тарихий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялаш устувор вазифа сифатида белгиланган. Шу нуқтаи назардан партиянинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларни салбий ахборотлар таъсиридан ҳимоялаш борасида қонунчилик ташаббуслари билан фаол иштирок этишмоқда. Мамлакатимизда ахборот соҳасига оид ўндан ортиқ қонунлар мавжуд бўлиб, уларда қонунга зид ахборотларни тарқатганлик учун жавобгарлик белгилаб қўйилган. Бу каби қонунлар, хусусан, интернетдан фойдаланишнинг ҳуқуқий механизмларини янада такомиллаштириш давр талабига айланди. Шу мақсадда айнан ЎзМТДП фракцияси аъзолари ташаббуси билан қонун лойиҳаси ишлаб чиқилмоқда.

Давра суҳбатида партия ғояси, дастурий мақсад-вазифалари ижросини таъминлашга қаратилган “Оммавий маданият”нинг ёшлар маънавиятига таъсири: муаммо ва ечимлар”, “Ахборот глобаллашуви ва ёшлар маънавияти”, “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарининг ёшлар маънавиятини шакллантиришдаги ўрни” каби мавзуларда маърузалар тингланди.

Таъкидланганидек, Юртбошимизнинг “Юксак маънавият — енгилмас куч” асарида «оммавий маданият» ниқоби остида ахлоқий бузуқлик ва зўравонлик ғояларини тарқатиш, шунинг ҳисобидан бойлик orttiриш, бошқа халқларнинг неча минг йиллик анъана ва қадриятлари, турмуш тарзининг маънавий негизларига беписандлик, уларни қўпоришга қаратилган хатарли таҳдидлар ҳақида тўхталиб ўтилган. «Оммавий маданият» хуружига қарши фарзандларимиз маънавий дунёсини юксалтириш, уларда ватанпарварлик ҳиссини тарбиялаш, миллатимиз тарихи, қадриятларимиз, анъаналаримиз ҳақида тушунтириш ишларини олиб боришимиз лозим.

Тадбирда сўзга чиққан депутатлар ва партия фаоллари томонидан ЎзМТДПнинг устувор вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ёшларни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик руҳида тарбиялаш, уларнинг қалбида миллий ғурур уйғотиш лозимлиги таъкидланди. Шунингдек, ёшларнинг бўш вақтларини мазмунли ташкил этиш мақсадида уларни замонавий билим, касб-кор ва мутахассисликларни эгаллашга рағбатлантириш мақсадга мувофиқлиги эътироф этилди.

***Ҳусниддин РАЖАБОВ,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони ёшлар масалалари бўлими бошлиғи:***

— ЎзМТДП “Ёшлар қаноти” томонидан ташкил этилаётган тадбир, лойиҳа, конференция ва форумлар ёшлар оммасига кириб бориш, уларни бирлаштириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, сиёсий етакчилик ва ташаббускорлик маҳоратини ошириш, соғлом фикр ва соғлом онгни шакллантириш ҳамда интеллектуал салоҳиятини тўлиқ намоён этишларига хизмат қилмоқда. Бугунги давра суҳбатида ёшларни интернет сайтлари, компьютер ўйинлари ҳамда қўл телефонлари орқали тарқатилаётган турли салбий ахборот оқимларидан асраш, шу орқали ёшлар маънавияти, тарбияси ва хулқ-атвори бузилишининг олдини олиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ёшлар маънавиятини юксалтиришга қаратилган бу каби тарғибот-ташвиқот ишларини янада кўпайтириш ва уларга ёш авлод вакилларини кенгроқ жалб этишни мақсад қилиб қўйдик.

***Ҳусан ДАДАБОЕВ,***
***Тошкент давлат техника университети “Камолот” ЁИҲ етакчиси:***

— Мамлакатимизда ёшлар масаласига давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилмоқда. Бу борада ЎзМТДП билан ҳамкорликда бир неча маротаба тадбирлар ташкил этдик. Бугунги ўтказилган учрашувда глобаллашув даври ва оммавий маданиятнинг ёшларга таъсири хусусида сўз бориб, унда ўзимиз учун керакли маълумот ва тушунчаларни олдик. Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, биз ёшлар мамлакатимизда яратилган кенг имконият ва шароитлардан унумли фойдаланиб, юрт корига камарбаста, комил инсонлар бўлиб етишишимиз лозим.

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

БОШЛАНҒИЧ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ — БОШ ТАЯНЧИМИЗ

## Қишлоқ аҳли фаровонлиги

**“Хонобод” бошланғич партия ташкилоти бу борадаги ишларга муносиб ҳисса қўшишга интилмоқда**

*Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан “Энг намунали туман (шаҳар) Кенгаши” танлови эълон қилинган эди. Танлов партия Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоят Кенгашларида кўтаринки руҳда ташкил этилиб, ғолибликка муносиблар танловнинг республика босқичига йўлланма олишган эди. Ортда қолган йил якунида мазкур танловнинг республика босқичи ҳам ўтказилиб, унда ЎзМТДП Хоразм вилояти Қўшкўпир туман Кенгаши учинчи ўринни қўлга киритди.*

— Муваффақиятларимиз замирида бошланғич партия ташкилотлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, қуйи бўғин фаолиятини низом талаблари даражасида йўлга қўйиш юзасидан амалга ошираётган чора-тадбирларимизнинг аҳамияти катта, - дейди ЎзМТДП Қўшкўпир туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Меҳрибон Тиллаева. — ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган дастурий мақсад ва вазифалар ижросини таъминлаш борасида намунали иш олиб бораётган “Хонобод” қишлоқ фуқаролар йиғини қошидаги бошланғич партия ташкилоти фаолияти фикримиз далили бўла олади. Ўз атрофида 68 нафар партия аъзосини бирлаштирган ушбу қуйи бўғинга 48-умумтаълим мактаби директори Қувондиқ Жуманиёзов етакчилик қилади.

— Аъзоларимиз орасида ўқитувчилар, маҳалла фаоллари билан бирга кўпни кўрган ёши улуғ инсонлар ҳам бор, - дейди БПТ етакчиси. — Қуйи бўғин томонидан ташкил этилаётган ҳар бир тарғибот тадбирида уларнинг бош-қош бўлиб туриши ва ёш авлод вакилларини партиямиз сафига жалб қилишдаги ҳаракатларини алоҳида таъкидлаш жоиз. Дарҳақиқат, жамиятнинг қайноқ қатлами ҳисобланган ёшлар ҳисобига сафимиз бойиб бораётгани қувонарли, албатта. Айни пайтда ёш маслакдошларимиз ЎзМТДПнинг “Мақсадимиз — Ўзбекистон фуқароси онгида ўз мамлакатининг тарихий ўтмиши, бугунги куни ва келажаги учун фахрланиш туйғусини тарбиялаш ва мустаҳкамлаш!” шиорини ўз орзу-интилишлари, ҳаётдаги мақсадлари билан узвий боғлашга ҳаракат қилишмоқда.

“Хонобод” бошланғич партия ташкилоти томонидан ЎзМТДП сайловолди ҳаракат дастурига мувофиқ, аҳоли фаровонлиги ва унинг даромадлари ўсишини таъминлашга қаратилган қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Мутахассислар жалб қилинган ҳолда давра суҳбатлари уюштирилиб, унда қишлоқ аҳолисининг сиёсий-ҳуқуқий билимларини юксалтириш масаласига алоҳида урғу берилмоқда. Шунингдек, миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначилик билан шуғулланаётган фуқароларга фаолиятларини кенгайтиришга оид ҳуқуқий маслаҳатлар бериб борилмоқда. Натижада қишлоғимизда мазкур соҳа билан шуғулланиш истагида бўлган ёш оилалар сони янада ортмоқда.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, қуйи бўғин ўтган йили 30 дан зиёд учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил қилган бўлса, жорий йилда партия дастурий мақсадларини тарғиб қилиш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини таъминлашга қаратилган ўндан ортиқ тарғибот тадбирларини ташкил этди. “Ободлик кўнгилдан бошланади”, “Ислоҳотлар миллий манфаатимизга хизмат қилишини таъминлаймиз”, “Фуқаро позициясини шакллантиришда буюк аждодлар меросини ўрганишнинг аҳамияти”, “Ёшларни ёт ғоялардан асраш — бош мақсадимиз”, “Миллий ҳунармандчилик ва оилавий тадбиркорлик — ёш оилалар фаровонлиги гарови” каби тадбирлар шулар жумласидандир.

— Қишлоқдошларимиз орасида партиямизга хайрихоҳ инсонлар кўп, - дейди суҳбатдошимиз. — Буни БПТ томонидан ташкил этилаётган тадбирларда қишлоқ аҳолисининг иштироки ҳам кўрсатиб турибди. Яна шуни таъкидлаш жоизки, халқ депутатлари вилоят ва туман кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатларнинг икки нафари қишлоқдошимиз.

Айни пайтда ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Хоразм вилоят кенгаши депутати, “Жанубгазқурилиш” ОАЖ директори Одамбой Сапаев ва Қўшкўпир туман Кенгаши депутати, 17-сон умумтаълим мактаби директори Ойбек Абдуллаев партия сайловолди ҳаракат дастуридаги вазифаларни амалга оширишда БПТ билан мустаҳкам алоқани йўлга қўйишган. Депутатлар қишлоқ аҳлининг турмуш тарзи, муаммоларини мунтазам ўрганиб, фуқаролар мурожаатлари асосида ўз ваколатлари доирасида аниқ чора-тадбирларни амалга оширишмоқда. Бевосита уларнинг саъй-ҳаракати билан қишлоқдаги 17-сон умумтаълим мактаби қошида бадиий гимнастика тўгараги ташкил қилинди. Унинг тўлақонли фаолият кўрсатиши учун зарур спорт анжомларини харид қилишга ҳомийлар жалб қилинди. Ҳозир қишлоқ қизлари ушбу тўгарак машғулотларига қатнашиб, яратилган имкониятлардан унумли фойдаланишмоқда.

— Аъзоларимизнинг барчаси спортсевар инсонлар, - дейди қуйи бўғин етакчиси. — Шу боис кўплаб спорт мусобақалари, ўртоқлик учрашувлари, хотира турнирлари уюштириб келаяпмиз. Спорт тадбирларига нафақат партия аъзоларини, балки бутун қишлоқ аҳлини жалб қилаяпмиз.

Партия томонидан миллий ҳунармандчиликни ривожлантириш, миллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлардан хабар топган ҳунарманд Ёвбосар Раҳимов ҳам ЎзМТДПга аъзо бўлишга қарор қилди. Эндиликда у БПТ фаолларидан бири сифатида партия мақсад-вазифаларини қишлоқдошларига тарғиб қилмоқда. Шу билан бирга “устоз-шогирд” анъаналарига асосланган ҳолда ёшларга ўз ҳунари сирларини ўргатиб, миллий ҳунармандчилик равнақига улуш қўшмоқда.

Яқинда БПТ аъзолари хайрли ташаббус билан чиқдилар. “Ҳашар — миллий анъаналаримизнинг олий намунасидир” мавзусида давра суҳбати ташкил этилди. Шундан сўнг қишлоқ аҳли БПТ аъзоларига қўшилиб қишлоқни ободонлаштириш, ариқ ва зовурларни тартибга келтириш ишларини бошлаб юбордилар. Эндиликда хонободликлар гўзал баҳорий кайфият билан экин-тикин ишларини олиб бормоқдалар.

— Мақсадимиз юрт ободлиги, турмуш фаровонлигини ошириш, ёшларнинг миллий анъаналаримизга ҳурматини юксалтиришга ҳисса қўшиш, - дейди Қувондиқ Жуманиёзов. — Ҳамкорликда, ҳамжиҳатликда қилинган меҳнатнинг унумли, баракали бўлиши эса барчамизга аён. Шу боис партия Қўшкўпир туман Кенгаши ва қишлоқ аҳолиси билан ҳамкорликда ўтказилаётган тадбирлар кўламини кенгайтиришни асосий вазифаларимиз сирасига киритганмиз.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,**
**ЎзМТДП Хоразм вилоят кенгаши матбуот хизмати ходими,**
**Шоҳида МАРС қизи,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

ХРОНИКА

## Аёл ва оила

**ҳудудий партия ташкилотларида ўтказилаётган тадбирларда жамиятнинг фаол қатлами сифатида эътироф этилди**

### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Истиқлолнинг илк кунларидан мамлакатимизда хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг жамият ва оиладаги мавқеини юксалтириш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. ЎзМТДП ҳудудий ташкилотларида ўтказилаётган тадбирларда хотин-қизларнинг оиладаги мавқеи ҳамда жамиятдаги фаоллигини янада оширишга эътибор қаратилмоқда.

ЎзМТДП Юқори Чирчиқ туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси ҳамда хотин-қизлар қўмитаси туман бўлими билан ҳамкорликда “Хотин-қизларнинг жамиятдаги фаоллигини оширишда ЎзМТДПнинг ўрни” мавзусида тадбир ўтказилди. Унда партия Юқори Чирчиқ туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутатлар ҳамда партия фаоллари иштирок этди.

Таъкидланганидек, мустақиллик йилларида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Яратилган имконият ва шарт-шароитлар натижасида аёллар жамиятнинг турли жабҳаларида фаоллик ва ташаббускорлик кўрсатишмоқда. Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, албатта, ЎзМТДПга аъзо хотин-қизлар ҳаётида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўтказилаётган тарғибот тадбирлари аёлларнинг сиёсий-ҳуқуқий билимларини ошириш билан бир қаторда, уларни жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этишга ундамоқда.

### НАМАНГАН

“Аёл борки, олам мунаввар” мавзусида ЎзМТДП Косонсой туман Кенгаши ташаббуси билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирда ҳам аёллар шаънига илиқ фикрлар билдирилди. Тадбир Косонсой туман ҳокимлиги, Маънавият тарғибот маркази туман бўлими, “Камолот” ЁИҲ туман бўлими Кенгаши, Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлимлари билан ҳамкорликда ташкил этилди.

— ЎзМТДП сайловолди Платформасида хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган, - деди халқ депутатлари туман Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат Б.Салимжонова. — Мазкур дастурий мақсадларни амалга ошириш мақсадида партия туман Кенгаши билан ҳамкорликда турли тарғибот ишларини амалга оширяпмиз. Маҳалла фуқаролар йиғинларида истиқомат қилувчи аёллар билан турли мавзулардаги суҳбатларимиз орқали уларни миллий ҳунармандчилик, оилавий тадбиркорлик ва касаначиликка жалб қилиш билан бирга, соҳага оид қонунчилик билан батафсил таништириб бораяпмиз. Бу эса партиямиз сафига ҳар жиҳатдан фаол ва ташаббускор хотин-қизларни жалб қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Тадбирда ЎзМТДП Косонсой туман Кенгаши аъзолари, халқ депутатлари туман кенгашига партиядан сайланган депутатлар, “Аёллар қаноти” ва “Ёшлар қаноти” етакчилари ҳамда ҳамкор ташкилотлар мутасадди ходимлари иштирок этди.

### ХОРАЗМ

ЎзМТДП Хонқа туман Кенгаши ташаббуси билан “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати туман бўлими Кенгаши, маънавият тарғибот маркази ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди туман бўлимлари, Хонқа шаҳарча фуқаролар йиғини ҳамда “Қорақош” ҚФЙ ҳамкорлигида “Озод юртнинг обод маҳалласи” номли тадбир ўтказилди.

Тадбирда сўзга чиққанлар маҳаллаларда маънавий муҳит барқарорлиги, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаоллари, ҳудудий профилактика инспекторлари ҳамда давлат бошқарув органлари ходимларининг ижтимоий шериклик муносабатларига доир вазифаларни амалга оширишни таъминлаш, оилаларнинг муаммоларини бартараф этишда тадбирлар кўлами ва савиясини юқори босқичга олиб чиқиш юзасидан фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Халқимизда “Ободлик кўнгилдан бошланади” деган гап бор, - деди партия туман Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси А.Бекчонова. — Кўнгил ободлигига эса маънавий муҳитни соғломлаштириш эвазига эришиш мумкин. Шундай экан, партиямиз сайловолди ҳаракат дастурида таъкидланган маънан ва жисмонан соғлом ёшларни тарбиялашга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Маънавий бой инсонгина туғилиб ўсган гўшасини кўз қорачиғидек асраб, уни обод қилишга ҳаракат қилади. Тадбир иштирокчилари ЎзМТДП томонидан ўтказилаётган “Озод юртнинг обод гўшаси” номли лойиҳа бу борадаги саъй-ҳаракатларни янги босқичга кўтараётганини эътироф этишди. Бу эса зиммамизга янада улкан масъулият юклаши шубҳасиз.

**Ш.ДАМАНОВА,**
**“Milliy tiklanish” мухбири**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Халқимиз маънавиятини юксалтиришда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз, анъаналаримиз ҳамда уларнинг замирида мужассам бўлган меҳр-оқибат, инсонни улуғлаш, тинч ва осойишта ҳаёт, дўстлик ва тотувликни қадрлаш, турли муаммоларни биргалашиб ҳал қилиш каби ибратли қадриятлар тобора муҳим аҳамият касб этиб бормоқда. Бу борада маънавий ҳаётимизнинг узвий қисмига айланиб кетган халқ ҳашарлари истиқлол даврида янгича маъно-мазмунга эга бўлиб, умуммиллий анъана тусини ёшлар онгига сингдириб бориш ва уларни кенг жалб қилиш, ёшларнинг фаоллигини ошириш ва уларни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси **“Озод юртнинг обод гўшаси”** шиори остида Ёшлар акцияси доирасида танлов эълон қилади.

**Танлов шартлари:**

**Биринчи шарт.** Акцияда ҳудудий партия ташкилотлари “Ёшлар қаноти” етакчилари ва аъзолари иштирокида эътибордан четда қолган маданий ёдгорликлар жойлашган ҳудудларда ободонлаштириш ишларини олиб бориш. *(Бунда, маданий ёдгорликлар жойлашган ҳудудни ҳашар йўли билан тозалаш, ободонлаштириш, кўчатлар экиш, чиқиндиларни чиқариш ишларини олиб боришади).*

**Иккинчи шарт.** Ободонлаштириш ишлари олиб борилган қадимий ёдгорликлар тарихини ўрганиш *(ободонлаштириш ишлари олиб борилган маданий ёдгорликнинг* тарихий ўтмиши ва бугунги ҳолати ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган, иштирокчилар интервьюси асосидаги мақолани республика газета ва журналларида чоп этиш, шунингдек, ҳудудий ОАВда ёритилганлиги тўғрисидаги видеороликларни *белгиланган муддатларда тақдим этиш).*

**Учинчи шарт.** Ҳашар уюштирилган маданий ёдгорликларда ҳудудий партия ташкилотлари “Ёшлар қаноти” томонидан амалга оширилган ишларни акс эттирувчи фотоальбом тайёрлаш.

**ИЗОҲ:** тақдим этиладиган маълумотлар (асл ва электрон нусхалари) **2013 йилнинг 30 апрелига** қадар қуйидаги манзилда қабул қилинади:

**Акция ўтказувчи комиссия манзили:** *Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси 30 уй (Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони “Ёшлар масалалари” бўлими, uzmtdpmk@mail.ru).*

**Танловни ўтказиш тартиби**

Тақдим этилган маълумотлар Ташкилий гуруҳ томонидан кўриб чиқилади ва баҳоланади.

Акция жорий йилнинг **22 мартидан 28 апрелига** қадар давом этади. Ғолиблар акция якунига бағишланган тадбирда тантанали равишда тақдирланади.

**Ташкилий гуруҳ**

# ЎзМТДП ДАСТУРИ — АМАЛДА

*Қалдирғочлар хосиятли хонадонларга ин қурар экан. Бундан шуни англаш мумкинки, осойишта, файзли, меҳр-оқибатли оилани қушлар ҳам севади, бағрига ошиқади. Ҳар баҳор соғиниб, ўша хонадон томон талпинади. Меҳр-оқибат, бағрикенглик, одамийлик, ўзаро ҳурмат ва эътибор сингари эзгу фазилатлар оила муҳитида инсон борлиғига сингади. Ўзбек оиласи ўз мазмун-моҳияти билан мана шундай эзгу фазилатлар тарбия топадиган маскан.*

ФОРУМ

## Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари

**партия Жиззах вилоят Кенгаши томонидан ушбу шиор остида форум ташкил этилди**





ЎзМТДП сайловолди Платформасида маънавий қадриятлар, миллий урф-одат ва анъаналаримиз шаклланадиган, тарбия ўчоғи бўлган оиланинг жамиятдаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлаш, унинг юксак маънавиятли, масъулиятли, комил инсонни тарбиялашдаги ролини кучайтиришга кўмаклашиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган. Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси томонидан "Обод турмуш йили" муносабати билан "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" шиори остида ташкил этилган хотин-қизлар форуми ҳам ана шундай эзгу мақсадларга қаратилди. Унда Олий Мажлис Сенати аъзолари, ЎзМТДП Жиззах вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари фаоллари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларга ЎзМТДПдан сайланган депутатлар, давлат ва жамоат ташкилотлари ходимлари, ҳудуддаги бир қатор намунали оилалар, ҳунармандлар, фольклор-этнографик гуруҳлари ва болалар бадиий жамоалари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Тадбирни ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ғайрат Қодиров кириш сўзи билан очди:

— Оила аталмиш муқаддас даргоҳда келажагимиз эгалари бўлган ёш авлод вакиллари вояга етади. Шунингдек, ёшларни жамият тараққиёти ва юрт фаровонлигига нафи тегадиган комил инсонлар қилиб тарбиялашда оила асосий пойдевор саналади. ЎзМТДП дастурий мақсадларида оила институти мустаҳкамлиги, унинг эзгу қадриятлари узвийлигини таъминлаш борасида белгиланган муҳим вазифалар, биринчи галда, маънан ва жисмонан етук, баркамол фарзандларни камол топтиришга қаратилганлиги билан аҳамиятлидир, - дейди нотиқ.

Форумда сўзга чиққан Олий Мажлис Сенати аъзоси Баҳром Мамажонов мамлакатимизда оилаларни мустаҳкамлаш ва уларнинг фаровонлигини ошириш, жамиятдаги ўрнини юксалтириш, ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада ЎзМТДП ҳам турли лойиҳа ва тадбирлар орқали оила институтини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётганини алоҳида эътироф этди.

Тадбирда ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси, республика Марказий банки ҳамда "Ҳунарманд" уюшмаси ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусидаги амалий семинарлар ҳақида батафсил маълумот берилди. Жумладан, ўтган давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Самарқанд, Хоразм, Наманган ҳамда Сурхондарё вилоятларида ўтказилган шундай тадбирлар натижасида 4 млрд. сўмдан ортиқ банк кредитлари миллий ҳунармандчилик, касаначилик ва оилавий тадбиркорлик билан шуғулланувчиларга йўналтирилгани ЎзМТДПнинг самарали амалий фаолияти сифатида эътироф этилди. Бу тадбиркорликни бошлаш иштиёқида бўлган иштирокчи хотин-қизларни бефарқ қолдирмади.

Форум доирасида миллий ҳунармандчиликнинг ёғоч ўймакорлиги, кулолчилик, темирчилик, чопондўзлик, зардўзлик, тикувчилик йўналишларида меҳнат қилаётган ҳунармандлар ҳамда ёш рассомларнинг кўргазмалари ташкил этилди. Вилоят "Ўлкашунослик" музейининг бой тарихий экспонатлари қатнашчиларнинг эътиборини ўзига жалб этди. "Райҳон" фольклор жамоаси, "Нилуфар" рақс дастаси ва миллий қўшиқ ижрочиларининг чиқишлари форумнинг янада қизиқарли ва ёрқин таассуротларга бой ўтишини таъминлади.

Тадбирда аҳил-иноқ, тадбиркор, эл корига камарбаста фарзандлар тарбиялаб, кўпчиликка ибрат бўлувчи намунали оила вакиллари сўз олиб, ўзларининг ҳаётий тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

***Лола ЭГАМОВА,***
***Халқ депутатлари Жиззах вилоят Кенгашига ЎзМТДПдан сайланган депутат:***

— Юртимизда оилалар мустаҳкамлиги, эл тинчлиги ва ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида олиб борилаётган ишлар "Обод турмуш йили"да янада юқори поғонага кўтарилмоқда. ЎзМТДПнинг барча даражадаги ташкилотлари мамлакатимизда амалга оширилаётган бундай ўзгариш ва янгиланишларда муносиб иштирок этмоқда. Жумладан, депутатларнинг сайловчилар билан учрашувлари ва турли тадбирларда партиямиз дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, фуқароларда юрт тақдирига масъуллик тушунчасини юксалтиришга катта эътибор қаратаяпмиз. "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" шиори остида ўтказилган мазкур форумни бу борадаги амалий саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давоми дейиш мумкин.

***Гулбаҳор МАМАШУКУРОВА,***
***ЎзМТДП фаоли, Жиззах шаҳар "Сайхон" МФЙ маслаҳатчиси:***

— Ҳар бир инсоннинг қувончли кунлари оила даврасида татийди, тарбия шу ерда шаклланади. Ушбу оддий ҳақиқат оиланинг инсон ҳаётида тутган ўрни нечоғли муҳимлигини англатади. Оила мустаҳкамлиги, турмуш фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи гўзал тарбия мезонлари, анъаналар борки, бугунги глобаллашув даврида уларнинг аҳамияти тобора ортиб бормоқда. Тадбирда масаланинг ана шу жиҳатларига алоҳида эътибор қаратилгани унинг таъсирчанлигини янада оширди.

***Нозима ТУГАЛОВА,***
***ЎзМТДП фаоли, Жиззах шаҳридаги "Элита-Шаҳриза" тикув цехи раҳбари:***

— Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, истеъдодларини юрт тараққиётига камарбаста қилиш ЎзМТДП "Аёллар қаноти"нинг муҳим вазифаларидан саналади. Партия томонидан амалга оширилаётган турли лойиҳалар форум иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди. Хусусан, оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни ривожлантириш, соҳа вакилларини қўллаб-қувватлашга қаратилган "Банк кредитларининг оилавий тадбиркорлик ва миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришдаги аҳамияти" мавзусидаги амалий семинарларни айтиш мумкин. Ўзим ҳам бир неча йиллардан бери оилавий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаман. Кичик корхонамизда ташкил этилган ўқув курслари орқали хотин-қизларимизни касб-ҳунарга йўналтиришга ҳаракат қилмоқдамиз.

***Бунёд ЗОИРЖОНОВ,***
***ҳунарманд:***

— Оиламизда ҳунар илми жудаям қадрланади. Дадам ҳунарманд бўлганлиги боис, болалигимдан ёғоч ўймакорлигига қизиққанман. Бу қизиқиш бора-бора чинакам мақсадга айланди. 2011 йилда "Янги авлод" болалар ижодиёт фестивалининг республика босқичи ғолиблигини ҳам қўлга киритдим. "Ташаббус" кўрик-танловининг туман, вилоят босқичларида ҳам фахрли ўринларни эгалладим.

ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгаши томонидан ташкил этилган ушбу форумда оиланинг инсон камолотида нақадар муҳим ўрин тутишини янада чуқур англаб етдим. Партия томонидан биз ҳунармандларга берилаётган эътибор ўз устимизда кўпроқ ишлашга, янги ижод намуналарини яратиш ҳамда ҳунармандчилигимиз ривожига ҳисса қўшишга ундайди.

**Дилноза ҲАЙИТОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ТАДБИР

*Турмушимиз ободлиги, ҳаётимиз фаровонлиги, аввало, оилалар маънавиятида намоён бўлади. Маънавиятли оилани шакллантириш эса кўп жиҳатдан аёлларга боғлиқ. Шу нуқтаи назардан бугун мамлакатимизда хотин-қизларга қаратилаётган эътибор боис аёлларимиз соғлом фикрли фарзандларни тарбиялаш билан бир қаторда жамият ҳаётида ҳам фаол иштирок этишмоқда.*

## Обод турмуш

**оила фаровонлиги гарови**

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси сайловолди Платформасида хотин-қизларнинг жамиятни модернизация қилиш ва янгилаш, маънавий қадриятларни, халқ анъаналарини сақлаш ҳамда бойитиш жараёнларида тўлақонли ва фаол иштирок этишини таъминлаш йўлида изчил фаолият олиб бориш устувор вазифа сифатида белгиланган. Бу борада партия "Аёллар қаноти" томонидан қатор тарғибот тадбирлари ташкил этилмоқда.

ЎзМТДП Марказий Кенгаши "Аёллар қаноти" ҳамда партия Чилонзор туман Кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилган "Обод турмуш - фаровон ҳаёт гарови" мавзусидаги давра суҳбатини бу йўналишдаги тадбирлар сирасига киритиш мумкин. Унда партия Марказий Кенгаши ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, "Аёллар қаноти" етакчилари, ЎзМТДП Чилонзор туман Кенгаши аъзолари, партия фаоллари, Республика 1-тиббиёт коллежи ўқитувчи-мураббийлари ва ёшлар иштирок этди.

Тадбирни ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси ўринбосари Шоира Умарова кириш сўзи билан очди.

— Истиқлол йилларида мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги нуфузини ошириш, қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, саломатлигини мустаҳкамлаш, оила, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу йўналишдаги ислоҳотларда ЎзМТДП "Аёллар қаноти"нинг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз. Жумладан, Партия сайловолди Платформасида белгиланган шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни беқиёс эканлигидан келиб чиқиб, оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш, "Юксак маънавиятли оила орқали - юксак тараққиёт сари" ижтимоий-маънавий лойиҳасини амалга ошириш мақсадида ташкил этилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ЎзМТДП "Аёллар қаноти" партия Дастурида илгари сурилган устувор вазифалар, давлат ва жамият бошқарувида хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий саводхонлиги ҳамда ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга кўмаклашиш борасида қатор лойиҳаларни амалга оширмоқда. Хусусан, "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" номли кўрик-танлов хотин-қизларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш, партия сафида етакчи аёллар захирасини шакллантириш билан бир қаторда, уларни ижтимоий-сиёсий фаоллик ва ташаббускорликка ундамоқда. Кўрик-танловнинг ўтган йилги босқичларида 1000 га яқин иқтидорли хотин-қизлар бевосита иштирок этгани фикримиз далили бўла олади.

Тадбир якунида оила институтини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуш фаровонлигини таъминлаш борасида мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар ҳамда хотин-қизларни ЎзМТДП томонидан амалга оширилаётган дастурий мақсад-вазифалар билан таништириш, билимларини юксалтиришга эришишда бу каби тадбирларни кўпроқ ташкил этишга келишиб олинди.

**Шоҳида МИРЗАЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

ҲАМКОРЛИК

*Истиқлол йилларида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди. Болалар спортини ривожлантириш, айниқса, қизларни спортга жалб этиб, унинг нафис турларини ривожлантириш йўлида эътиборга молик саъй-ҳаракатлар амалга оширилди.*

## Нафосат олами

**ЎзМТДП ва қатор ҳамкор ташкилотлар томонидан ўтказилган спорт мусобақаси шундай номланди**



Давлатимиз раҳбарининг "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ҳамда "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар йўлида дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, вилоятлар ва чекка қишлоқларда гимнастика марказларининг ташкил этилиши натижасида қизларнинг нафис спорт турлари билан шуғулланиш имкониятлари янада кенгайиб, охирги йилларда бадиий гимнастика билан шуғулланувчилар сонининг кескин ошгани бунинг ёрқин далилидир. Яратилган шарт-шароитлар натижасида нафосат маликаларининг улкан ғалабалари ҳар бир юртдошимиз қалбида фахр туйғусини уйғотмоқда.

Бу борада амалга оширилаётган ислоҳотлар ривожига Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳам доимий кўмаклашишга интилиб келмоқда. Партия сайловолди Платформасида мамлакат ва халқимиз манфаатларини кўзлайдиган ва устувор деб биладиган баркамол авлодни тарбиялаш борасида юртимизда амалга оширилаётган ислоҳотларда фаол иштирок этишни ўзининг асосий мақсадлари сирасига киритган. Икки йилдан буён ЎзМТДП Марказий Кенгаши, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси, Болалар спортни ривожлантириш жамғармаси, "Сен ёлғиз эмассан" Республика болалар жамоатчилик жамғармаси ҳамда "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси ҳамкорлигида "Нафосат олами" шиори остида спорт фестивалини партиянинг ҳамкор ташкилотлар билан ўтказаётган йирик тадбирлари сирасига киритиш мумкин. Фестивалда ёшлар спортнинг сузиш, синхрон сузиш, сувга баландликдан сакраш, бадиий гимнастика ва спорт рақслари турлари бўйича куч синашдилар.

Спорт фестивалини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Э.Боситхонова кириш сўзи билан очиб, мамлакатимизда ёш авлод вакилларига берилаётган эътибор, спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш, хусусан, қизларни спортга жалб қилиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ҳақида тўхталиб ўтди.

Тадбирнинг тантанали очилиш қисмидан сўнг иштирокчилар гуруҳларга бўлинган ҳолда мусобақаларга киришишди. Мусобақалар натижалари бўйича ғолибликни қўлга киритган спортчи қизлар ЎзМТДП Марказий Кенгаши ва ҳамкор ташкилотларнинг фахрий ёрлиқлари ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

***Ҳанифа ЗОКИРОВА,***
***ЎзМТДП Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси девони хотин-қизлар ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўлими бошлиғи:***

— Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб вояга етишларида муҳим аҳамият касб этмоқда. Айниқса, уларнинг иқтидорини ўз вақтида илғаб, шарт-шароит яратиш давлатимизнинг доимий эътиборида. Бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг ижобий самарасини биз марказда ва жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари мисолида кўришимиз мумкин. Бугунги тадбиримиз ҳам ЎзМТДП дастурий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда спорт билан шуғулланишни ёшларнинг кундалик турмуш тарзига сингдириш, қолаверса, қизларнинг ҳар томонлама чиниқиши, бўлғуси оналар сифатида уларни соғлом ва баркамол шахс қилиб камол топтиришга кўмаклашиш мақсадида ташкил этилди. Ўйлаймизки, юқорида номлари қайд этилган ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз бундан кейин ҳам самарали давом этади.

***Шаҳло НОРҚУЛОВА,***
***"Баҳор гуллари" гимнастрада гуруҳи мураббийи:***

— Беш йилдан буён спортнинг гимнастика тури бўйича мураббийлик қиламан. Икки йилдирки, Яккасарой туман Қушбеги спорт комплекси қошида ташкил этилган "Баҳор гуллари" гимнастрада гуруҳи билан шуғулланаяпмиз. Шогирдларим туман ва шаҳар миқёсида ўтказиладиган турли спорт тадбирлари ва мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишмоқда. ЎзМТДП Марказий Кенгаши, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ва қатор ҳамкор ташкилотлар билан ташкил этилган фестивалда Яккасарой тумани номидан иштирок этяпмиз. Бундай тадбирларнинг ташкил этилиши биз каби ёш мураббийлар ва гимнастика билан шуғулланувчи қизларнинг имкониятларини намоён қилишларида муҳим аҳамият касб этади.

***Маржона АБДУРАҲИМОВА,***
***ёш гимнастикачи:***

— Уч йилдан бери спортнинг гимнастика тури билан шуғулланаман. Кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, ғолиб бўляпман. Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси томонидан ташкил этилган мусобақалар ва "Умид ниҳоллари" мусобақасида фахрли 1-ўринни эгалладим. Юртимизда ёшлар учун яратилган имконият ва шарт-шароитлар боис катта ютуқларни қўлга киритяпмиз. Имкониятларимизни намоён этиш учун шароит яратишга кўмаклашаётган тадбир ташкилотчиларига ўзим ва спортчи дугоналарим номидан миннатдорчилик билдираман.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# МАЪНАВИЯТ

**МУНОСАБАТ**



(ЎзА) олган сурат.

# Спорт — соғлом авлод гарови

**уни ривожлантириш мамлакатимизда давлат сиёсати даражасига кўтарилди**

*Мамлакатимизда мустақил тараққиёт йилларида барча соҳалар ривожига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Жумладан, спорт соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш ва унинг баркамол авлодни тарбиялашдаги ўрнини мустаҳкамлаш давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. Зеро, келажагимиз эгалари бўлган ёш авлодни юксак маънавиятли, соғлом ва ҳар томонлама баркамол қилиб вояга етказиш юртимизнинг келгусидаги тараққиётини таъминлашнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Бу борада спорт соҳасини ривожлантириш муҳим аҳамият касб этади. Чунки спорт билан шуғулланиш кишини ҳар томонлама чиниқтиради, жисмонан бақувват, соғлом, мард ва жасур бўлиб камол топишига, ҳаётда дуч келадиган турли синов ва қийинчиликларни мардона енгиб ўтишга қодир инсон қилиб тарбиялайди.*

Юртбошимиз раҳнамолигида фарзандларимизни ҳар томонлама баркамол, жисмонан соғлом, маънан етук қилиб тарбиялаш ва ёш авлодни спорт соҳасига кенг жалб қилиш борасида қатор саъй-ҳаракатлар амалга оширилмоқда. Аввало, соҳани ривожлантиришнинг ҳуқуқий асослари яратилди. Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда болалар спорти мамлакатимиз таълим-тарбия тизимининг узвий қисмига айланиб, ушбу соҳа билан мутаносиб равишда изчил ривожлантирилмоқда. Мавжуд 9600 та умумтаълим мактабларининг 81 фоизи янги қурилган ва реконструкция қилинган спорт залларига эга. 1549 та коллеж ва лицейлар замонавий жиҳозланган спорт заллари билан таъминланган. Эътироф этиш жоизки, болалар спортини аввало, қишлоқ жойларда ривожлантириш, унинг моддий-техник базасини шакллантириш, замонавий спорт ускуна ва инвентарлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Бундай спорт мажмуаларида яратилган имкониятлардан унумли фойдаланган фарзандларимиз юртимиз ва халқаро миқёсдаги спорт мусобақаларида фаол иштирок этиб, улкан ютуқларни қўлга киритишмоқда. Кейинги йилларда анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган "Қувноқ стартлар", "Соғломжон - полвонжон", "Соғлом оила", "Маҳалламиз полвонлари", "Футболимиз келажаги", "Отам, онам ва мен - спортчилар оиласимиз" каби спорт мусобақаларининг нуфузи ошиб, уларда иштирок этиш истагини билдирганлар сони кўпайди, мусобақалар кўлами эса тобора кенгайиб бормоқда. Шунингдек, кичик Олимпиада деб юритилаётган уч босқичли спорт ўйинлари — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари анъанавий тарзда ўтказилиб, маҳоратли спортчи ёшларимизнинг юзага чиқишига имкон бермоқда. Қолаверса, мамлакатимиз терма жамоаларини шакллантиришда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Таҳлилларга кўра, болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли саъй-ҳаракатлар туфайли сўнгги йилларда болаларда учрайдиган ортопедик касалликлар кескин камайган, болаларнинг ўртача вазни ошиб, бўйи анча ўсган. Демак, болалар спортига қаратилаётган бундай юксак эътибор ва ғамхўрлик келажагимиз ворисларининг ҳар томонлама соғлом, баркамол авлод бўлиб ўсишига хизмат қилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ҳомийлик кенгашининг мажлисидаги маърузасида таъкидлаганларидек, болалар спорти юртимизда нафақат катта ижтимоий, умуммиллий ҳаракатга айланди, балки Ўзбекистонимизнинг ҳар томонлама тараққиётга эришиши, ривожланган замонавий демократик мамлакатлар қаторидан муносиб ўрин олиши йўлида мустаҳкам пойдевор бўлиб хизмат қилаётгани айни ҳақиқатдир. Спортнинг мамлакат тараққиёти ва баркамол авлод саломатлигидаги ўрни ҳақида гап кетар экан, Президентимизнинг қуйидаги эътирофини келтиришни жоиз топдик: **"Мухтасар айтганда, спорт мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялашнинг энг муҳим воситаси бўлиб келмоқда ва келажакда ҳам шундай бўлиб қолиши муқаррар. Чунки спорт - соғлом авлод, соғлом келажак дегани. Бинобарин, фақат соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади."**

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳозирги пайтда янгитдан бунёд этилган болалар спорт объектларида фаолият кўрсатаётган 57,5 мингдан ортиқ спорт секцияларида 1 миллион 800 минг нафардан зиёд бола ўттиздан ортиқ спорт тури билан мунтазам шуғулланаяпти. Бу 10 йил аввал — 2003 йилга нисбатан 1,4 баробар кўп дегани. Ёш спортчиларимиз халқаро ва минтақа миқёсидаги турли спорт мусобақаларда юксак марраларни қўлга киритиб, юртимиз шарафини ҳимоя қилишаяпти. Хусусан, 2005-2012 йиллар мобайнида Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қарийб 4 минг нафар бола 333 та халқаро спорт тадбирида, турли фестиваль ва ўқув-машғулот йиғинларида иштирок этишган. Улар жами 922 та медал, шундан 363 та олтин, 282 та кумуш, 277 та бронза медални қўлга киритиб, Ўзбекистон номини дунё аренасида қайта-қайта тилга олинишига сабабчи бўлишди.

Спорт соҳасида қўлга киритилган ғалабаларимизда спортчи қизларнинг салмоғи юқори эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Чунки сўнги ўн йиллик мобайнида мамлакатимизда спорт билан шуғулланаётган қизлар сони 1,6 баробар, жумладан, қишлоқ жойларда 1,3 баробар ўсди. Қизлар орасида спортнинг бадиий гимнастика, енгил атлетика, сузиш, синхрон сузиш, теннис ва бошқа турлари билан шуғулланишга бўлган қизиқиш йилдан-йилга ортиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта. Зеро, қизлар келажакда она бўлиб, баркамол авлод вакилларини тарбиялайдилар, миллат давомийлигини таъминлашга ҳисса қўшадилар. Шу боис, уларни ёшлигиданоқ ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват, маънан етук қилиб вояга етказиш муҳим аҳамият касб этади.

**Давлатимиз раҳбарининг 2002 йил 24 октябрда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августда қабул қилинган "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари болалар спортини ривожлантиришда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.**

**Муҳтарама КОМИЛОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

**АЙЁМ**

# Наврўз — миллий маънавий қадрият

**у янги шакл, мазмун-маъно ва моҳият касб этмоқда**

*Ўзини таниган ҳар бир миллатнинг ўзига хос миллий қадриятлари - урф-одат, анъана ва байрамлари бўлади. Наврўз байрамини том маънода миллатимизга хос бўлган ана шундай миллий маънавий қадриятларимиздан бири дейишимиз мумкин. Наврўз нафақат миллатимиз, балки табиатимиз — иқлим шарт-шароитимизга хос бўлган ноёб табиат ҳодисасидир. Ер юзи кенг, лекин камдан-кам миллат ва давлатлардагина йилнинг тўрт фасли баб-баробар намоён бўла олади.*

Сир эмас, шундай маконлар борки, ёз нима эканлигини билмайди ёки шундай элу элатлар борки, қиш нима, қор нима эканлигини билмайди, айрим маконларда табиатнинг гўзал ва бетакрор ҳодисаси - баҳор ёхуд куз қисқагина "яшайди" холос. Бизда, Ўзбекистонимизда эса табиатнинг ноёб мўъжизаси — тўрт фасл теппа-тенг, баб-баробар тақсимланган. Шу боис қиш келса дарров баҳорни, баҳор келса дарров ёзни, ёз келса дарров кузни, куз келса дарров зумрад қишни соғиниб яшаймиз. Зеро, халқ оғзаки ижоди ёхуд кечаги ва бугунги адабиётимизда табиат ҳодисалари билан боғлиқ бўлган образ ва тимсолларнинг беҳад кўп учраши ҳам бежиз эмас.

Баҳор айёми бизда, Ўзбекистонимизда ўзгача қарши олинади, янгиланиш, яшариш, ёруғлик, поклик, табиат — ташқи оламнинг, ички — инсон руҳий ҳолатининг ажиб ғалаёнлари — товланишлари, еру кўкнинг сеҳрли таровати, гулу гиёҳ, дов-дарахт, турли-туман жониворларнинг ғимирлаб кўз очиши, уйғониши, қалдирғочларнинг тоғ ошиб, чўл ошиб, уммон ошиб, айвонларимизга келиб ин қуриши, кўпайиши, тинчлик ва хотиржамлик тимсоли — лайлакларнинг сават янглиғ ошиёнида бир оёқлаб турганча юртни, дала-даштни сокин кузатишлари, қиш поёнида катта жасорат билан ерни ва қорни ёриб чиқиб кўз очган бойчечак...ларни кўрган, билган, кузатган қайси дил тўлиб тошмасин, ҳайқирмасин — бу кунларни шеър қилмасин, қўшиқ қилмасин...

Бизда, Ўзбекистонимизда ҳар баҳор ана шундай келади, ана шундай гўзал ва бетакрор манзараларга-рангларга тўлиғ бўлади, ҳис-туйғулар, кечинмалар билан безанади. Энг муҳими, инсон руҳи уйғонади, янгиланади, тўлиб-тошади. Уйғонган, янгиланган, тўлиб-тошган... руҳ ҳар қандай нарсага — қувончгаю муҳорабага тайёр туради, уни ҳеч нарса ортига қайтаролмайди. Балким, шунинг учундир Наврўзни собиқ совет тузуми даврида турмушимиздан, хотирамиздан ўчирмоқчи бўлдилар... Балким, шунинг учундир ҳали совет тузуми буткул қуламай туриб, тобелик занжирлари узилмай туриб Ўзбекистон раҳбари Ислом Каримов Наврўзни (1989 йил 28 февраль) Ўзбекистонда умумхалқ байрами сифатида нишонлаш тўғрисида қарор қабул қилди, 1990 йилдан эса 21 мартни Наврўз миллий халқ байрами куни деб эълон қилди — унинг номини қайта тиклади. Бу улкан воқеа аслида миллий мустақиллик сари қўйилган дастлабки қадамларимиздан бири эди. Табиатнинг уйғониши, инсон руҳининг уйғониши, алалоқибат, миллатнинг уйғониши — миллатни миллий истиқлол сари етаклаши ва тайёрлаши муқаррар эди. Ва шундай бўлди ҳам.

Булуғ ерга қадалган ниҳол, кўчат, экилган уруғдан тўлуғ ҳосил, кўчат ёки ниҳол олингани каби миллий истиқлол шарофати билан Наврўзи олам бизда, Ўзбекистонда қайта туғилди, қайта кўз очди. Янги шакл, янги маъно-мазмун, янги моҳият касб эта бошлади. Наврўз ҳақиқий миллий ва умумхалқ байрамига айланди.

Наврўз ўзининг мустаҳкам пойдевори — қадимий илдизларига эга. Шунинг учун ҳам Президентимиз таъкидлаганидек: "Ҳеч шубҳасиз, айтиш мумкин: аввало, халқимизни ўз ота-боболарининг ўлмас қадриятларига, урф-одатларига бўлган садоқати, ирода ва қатъияти туфайли Наврўзи олам, мана минг йиллар давомида юртимизда безавол , абадий яшаб келмоқда". Шунинг учун ҳам уни ўткинчи даврларнинг шамолу тўфонлари турмуш-аъмолимиз ва хотираларимиздан буткул ўчириб кета олмади.

Наврўз бугунги кунда том маънода маънавий ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланди. Президентимиз айтганларидек: "Миллий маънавиятимиз азалдан қандай омил ва мезонлар негизида шаклланиб келаётгани халқимиз учун энг азиз ва энг миллий байрам - шарқона янги йил бўлмиш Наврўз айёми мисолида, айниқса ёрқин намоён бўлади".

Наврўз одамларни, халқларни, миллатни бирлаштиради. Уни ёшу қари бирдек хушнудлик билан қарши олади. Юртга, хонадонларга, кўнгилларга ободлик, ёруғлик олиб киради, ундан кўнгиллар яшнайди, қувнайди.

Юртимизда 2013 йилнинг "Обод турмуш йили" деб аталгани бу йилги Наврўзга ўзгача шукуҳ, ўзгача руҳ бағишламоқда. Юртимизда уни нишонламайдиган, уни кутиб олмайдиган қишлоқ ёки хонадон топилмайди. Отлар кишнаб улоқни истайди, деҳқон даласига яхши ният билан уруғ сочади, кўчат ва ниҳол экади, ариқлар, зовурлар тозаланади, дарахтлар оққа бўялади, маҳалла, кўча-кўйлар янада обод бўлади.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларида миллий ўзликни англашнинг ўсиши, миллий ғурур, Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантириш ҳамда мустаҳкамлаш учун қулай шароитлар яратиш Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партиясининг асосий мақсад ва вазифалари сирасига киради. Модомики Наврўз миллий маънавий қадриятларимизнинг асосий мезонларидан бири саналар экан, уни янада кенг тарғиб қилиш, унга бугунги давр талаби ва эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда янгича маъно, мазмун бағишлаш, турмуш тарзимизга янада чуқурроқ сингдириш, келажак ёшларимизда унга нисбатан яқин муносабатни шакллантириш, унинг билан боғлиқ урф-одат, анъана ва миллий халқ ўйинларини янада бойитишга кўмаклашиш каби мақсад ва вазифалар партиямиз, айниқса унинг бошланғич ва ҳудудий ташкилотлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шу боис айни кунларда ЎзМТДПнинг жойлардаги барча ташкилотлари Наврўзга аталган тадбирлар, сайллар ўтказмоқдалар, токи у миллий ғуруримизни янада мустаҳкамласин, ўзликни англашнинг муҳим омилига айлансин, ҳар биримизда ватан ва миллатга садоқат ва муҳаббат туйғусини шакллантиришга хизмат қилсин. Наврўз муборак бўлсин!

**Исмат ХУДОЁРОВ**

**КЎРГАЗМА**

# «Нақшинкор дўппилар сеҳри»

**Самарқанд давлат музей-қўриқхонасининг фондида сақланиб келинаётган XI-XX асрларга оид 200 дан зиёд дўппилар кўргазмаси намойиш этилмоқда**

*Халқимизнинг миллий ҳунармандчилик тарихи ўзига хос ранг-баранглик ва маъно-мазмунга эгалиги билан ажралиб туради. Ёшларимизни ана шундай бой меросимиз, қадрият ва анъаналаримиздан хабардор қилишда юртимиз музейлари томонидан кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири «Нақшинкор дўппилар сеҳри» кўргазмасидир. — Унинг очилиш маросимида Самарқанд шаҳридаги олий ўқув юртлари ва касб-ҳунар коллежлари талабалари, умумтаълим мактаби ўқувчилари, маҳалла фаоллари ҳамда турли ташкилот вакиллари қатнашишди.*



Миллий ҳисобланадиган бош кийим — дўппи миллатимизнинг рамзига айланган. Бошқа кийимлардан фарқли ўлароқ у уйда азиз саналиб, баланд жойга илиб қўйилади ёки сақланади.

"Дўппи" сўзи туркий тиллар оиласига мансуб бўлиб, "тепа" деган маънони билдиради. Юртимизда дўппининг ҳар хил аталари бор. Дўппини эслатувчи бош кийимлар азал-азалдан мавжуд бўлганини тарихий ва маданий ашёлар қадимий ҳайкалтарошлик ёдгорликлари, танга ва деворий ранг тасвирлар, сопол ҳайкалчалар, ўрта аср китоб миниатюраларида кўриш мумкин. Дўппи тикиш санъати кўпроқ аёлларга хос машғулот бўлган. Чеварлар нафақат маълум бир андозани такрорлаган, балки нақшларнинг рангини бошқасига алмаштириб турган. Натижада,- бундай ўзгариш дўппига алоҳида ҳусн бағишлаган. Шундай қилиб, асрлар оша бу санъат авлоддан авлодга ўтиб, дўппи кашталарида ранг-баранг ва бетакрор нақшлар пайдо бўла бошлаган.

Ўзбек каштачилик санъатида учрайдиган безак намуналарида ҳаётни тасвирлаш, уни англашнинг ўзига хос воситаси шакл ва ранг орқали янада мукаммал ифодасини топган. Дўппи кашталарида ўзига хос нақшлардан: атиргул, гулсапсар, чиннигул, лола, гултожихўроз, бодом, чарос, қалампир, аноргул, тустовуқ, хўроз, булбул каби нақш безаклар ишлатилган. Дўппилар турлича кўринишда бўлиб, эркаклар, аёллар, болалар ва ёши катталарга мўлжалланган бўлади. Ўзбек дўппиларининг кўпроқ тарқалган шакллари тўртбурчак айлана (баъзида конуссимон) бўлади. Дўппиларга асосан оқ, қора яшил, қирмизи, тўқ кўк рангдаги матоларга "Ироқи", "Босма", "Пилта дўз" каби кашта тикиш усуллари билан безак берилган. Дўппиларимизнинг қимматлиги шундаки, ипакда ёки зар ипда тикилган нақши нигорларда дунёга машҳур дизайнерлар ярата олмаган ажиб гўзаллик ва нафисликни кўриш мумкин.

Юртимизда Чуст, Андижон, Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Бойсун, Шаҳрисабз дўппилари ниҳоятда машҳур. Чуст дўпписи тўқ яшил шойи ёки сатиндан 4 каржли қилиб тайёрланади: тепасининг ҳар бир каржида қалампирнусха ёки бодом шакли, кизагининг ҳар бир каржида 4 тадан меҳроб (ярим доира) шакли кашта билан сидирға қоплаб оқ (ип ёки ипак) ипда тикилади. Тайёр дўппининг тепаси кизагидан мурабба шаклида бўртиб чиқади (бошқа дўппиларнинг тепаси ярим доира шаклида бўлади). Шакли кўп жиҳатдан Чуст дўпписига ўхшаш бўлган Марғилон дўпписидаги гуллар (нисбатан ингичка ва узун қалампир шакли) сидирға қопланмаслиги билан фарқланади. Тошкентнинг духоба дўпписи сидирға бахмалдан, Бухоро дўпписи сидирға ёки гулли бахмалдан тайёрланади. Бухоро дўпписига ранг-баранг ипак ипларда йўрма усулида кашта тикиб безатилиб жияк тутилади. Ироқи дўппи Шаҳрисабзда кенг урф бўлган, кейинчалик бошқа жойларга тарқалиб, ҳар бир маҳаллий жойнинг ўзига хос безак усулида яратила бошланди.

Шаҳрисабзнинг тепа ва кизаги яхлит (ипак ва ипдан) тўқилган гилам дўпписи ҳам жуда машҳур. Самарқанд ва Сурхондарёнинг думалоқ шаклли пилтадўз дўпписининг нақши содда, гуллари маркази томон йўналган, қавиқ чоклари эса қовурғали юзани ҳосил қилади. Бухоро зардўзларининг зардўзи-гулдўзи ва зардўзи заминдўзи дўппилари бадиий жиҳатдан юқори баҳоланади. Тошкентнинг сидирға парчадан 4 каржли, каржлари ўзаро қора ҳошия йўллар билан бўлинган, ҳар бир каржга ёрқин гуллаган новдалар тикилган дўппилар жозибали қилиб тайёрланади.

— "Нақшинкор дўппилар сеҳри" кўргазмаси миллатимизнинг тарихи, миллий маданияти нақадар бойлигини кўрсатади. Қолаверса, сержило дўппилар халқимизнинг олис ўтмишидан сўзлаётганга ўхшайди,- дейди Самарқандлик Иброҳим ота Қодиров.

—Ушбу кўргазмадан ўзим учун жуда кўп қизиқарли маълумотлар олдим,- дейди дўппидўз Зарнигор Аҳмедова. — Бошқа халқлар дўппиларидан ўзбекнинг дўпписи ўзига хос шакли, безаги билан фарқланади. Масалан, дўппи уч қисмдан — тепа (айлана ва тўртбурчак шаклида бичилади), кизак (гардиш шаклида) ва жиякдан тузилган бўлади. Республикамизнинг турли жойларида турлича безатилади. Энг қизиғи, дўппи қисмлари бирлаштирилганда турлича кўринади. Кўргазмага қўйилган дўппилар ҳам асосан бахмал, сидирға шойи, сатин ип, ипак, зар иплар билан кашта усулида тайёрланган. Дўппиларга қараб тайёрланган жойи, кишиларнинг ёши, эркак, аёл, кекса ёхуд ёш болаларга мўлжалланганини билиш мумкин. Шакли ўткир учли, конуссимон, ярим доира, чуқур тубли, думалоқ, каржли дўппилар бир-бирини такрорламайди.

Миллий дўппидўзлик халқ амалий санъатининг кенг тарқалган ва оммалашган турларидан биридир. Шу боис, дўппи халқимизнинг миллий бош кийими сифатида ҳамиша эъзозда.

**Зубайдулла ИБРАГИМОВ,**
**Самарқанд давлат музей-қўриқхонаси бўлим мудири**
**Дилфуза РЎЗИЕВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# НИГОҲ

**ЖАРАЁН**

*Мустақиллик халқимизнинг миллий манфаат ва қадриятларини тиклаш ва ривожлантириш, умумэътироф этилган нормаларга жавоб берадиган демократик жамият барпо этиш, ўз тақдирини ўзи белгилаш, ўз ҳаётини йўлга қўйиш учун шароит яратиб берди. Мустақил тараққиётимизнинг илк йилларидан бошлаб халқаро ҳуқуқда кўзда тутилган ва Конституцияда мустаҳкамлаб қўйилган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини изчил татбиқ этишга муҳим ва устувор вазифа сифатида эътибор қаратилди. Умуминсоний қадриятлар устуворлиги асосий принципга айланиб, ҳаётда янги демократик нормалар татбиқ этилмоқда.*

## Инсон ҳуқуқлари — олий қадрият

Тинчлик, фаровонлик ва адолатнинг муҳим омили ҳисобланадиган инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳурмат қилинишининг қонуний-ҳуқуқий асослари яратилди. Бу борада Ўзбекистон БМТнинг 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамда инсон ҳуқуқлари бўйича олтита ҳужжатига қўшилди.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси халқаро ҳамжамият томонидан муҳим ҳужжат сифатида қабул қилинган. Боиси, декларацияда инсоннинг турар жойи, ирқи, эътиқоди, тили, миллати, ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар унинг умумий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда уларни таъминлаш соҳасида асосий демократик принциплар ва талаблар мустаҳкамлаб қўйилган. Ушбу декларация қабул қилинганига 60 йил тўлганлиги муносабати билан 2008 йил 1 майда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида”ги Фармони эълон қилинди. Мазкур Фармон билан маъқулланган тадбирлар дастурида юртимизда бу халқаро воқеани кенг нишонлаш кўзда тутилган. Бу Ўзбекистонда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишга ва уларга риоя этишга кўмаклашиш соҳасида изчил сиёсат олиб борилаётганидан дарак беради.

Бундан ташқари давлатимиз турли тоифадаги фуқаролар (хотин-қизлар, болалар, ногиронлар)нинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилган 70 та халқаро ҳужжатга қўшилди. Мазкур ҳужжатларда кўзда тутилган инсоннинг яшашга, эркинлик ва шахсий дахлсизликка, ҳуқуқ субъекти сифатида тан олинишга, қонун билан ҳимоя қилинишга, судлар томонидан ҳуқуқларнинг тикланишига, айбсизлик презумциясига, шахсий ҳаёт ва турар жой дахлсизлигига, мамлакат ҳудудида эркин ҳаракат қилиш, мулкка эга бўлиш, фикрлаш ҳамда виждон эркинлигига бўлган ажралмас ҳуқуқлари ва бошқа қоидалар Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг мазмун-моҳиятида мужассамлаштирилган.

Дарҳақиқат, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш борасида энг муҳим қонуний асос ҳисобланади. Конституциянинг иккинчи бўлими инсон ва фуқаронинг асосий ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига бағишланган. Жумладан, фуқароларнинг қонун ва суд олдида тенглиги, уларнинг жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеига кўра камситишга йўл қўймаслик (18-модда), шахсий ҳаёт, тураржой дахлсизлиги, ёзишмалар ва телефонда сўзлашувлар сирини ошкор этмаслик, бу ҳуқуқларни қонунда кўзда тутилган ҳолларда ва тартибда чеклаш, (27-модда), ишсизликдан, мажбурий меҳнатдан ҳимоя қилиниш ҳуқуқини қонун асосида таъминлаш (37-модда) ва бошқа шу каби нормалар Ўзбекистон фуқароларининг сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашга қаратилган.

Халқаро ҳуқуқ нормалари талабларига мувофиқ, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари, эркинликларини ҳимоя қилишнинг конституциявий-ҳуқуқий асослари ва кафолатлари шакллантирилибгина қолмай, инсон ҳуқуқларини рағбатлантириш ва ҳимоя қилиш бўйича ташкилий механизм, тегишли инфратузилма ҳам яратилган. Инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини ҳимоя қилиш давлат тизими қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятидан, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши устидан назорат олиб борадиган махсус давлат органларидан, инсон ҳуқуқларига риоя этилиши ва уларнинг ҳимоя қилинишини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига мувофиқ таъминлашда иштирок этадиган қўшимча давлат муассасалари ҳамда ташкилотларидан ва инсон ҳуқуқлари ҳамда эркинликларини амалга ошириш соҳасидаги муносабатларни тартибга солувчи қонун ҳужжатларидан ташкил топган. Мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан 15 та кодекс ва инсон ҳуқуқларига оид 400 дан зиёд қонунлар қабул қилинди: “Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида”ги, “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Аёллар учун қўшимча имтиёзлар тўғрисида”-ги, “Фуқаролар сайлов ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”-ги, “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги ва бошқалар шулар жумласидандир.

Мазкур қонун ҳужжатлари мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилиб келаётир. Бунинг натижаси ўлароқ, фуқароларимиз ҳар соҳада ўзининг маҳорат ва истеъдодларини намоён қилишмоқда, сайлов жараёнларида ўзлари маъқул топган номзодларга овоз бериш орқали давлат қурилиши жараёнларида иштирок этмоқдалар. Биргина ёшлар мисолида таҳлил қиладиган бўлсак, улар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан келиб чиқиб, мамлакатимизда яратилаётган имкониятлардан кенг фойдаланишаётганини кўришимиз мумкин. Қатор кўрик-танловларда, кўргазмаларда фаол иштирок этиб, юксак натижаларга эришаяптилар. Буларнинг замирида юртимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эъзозланишининг мазмун-моҳияти ётади, албатта.

Ўрни келганда таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш борасида аввало, фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш масаласи муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунда мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш бўйича олиб борилаётган фаолият давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бири сифатида белгиланган ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини янада оширишга катта эътибор қаратилмоқда. Шу боис, Адлия вазирлиги ва унинг органлари томонидан ҳуқуқий тарғибот ҳамда аҳоли ҳуқуқий билимини ошириш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилаяпти. Бундан ташқари, бошқа давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан ҳам бу борада қатор тарғибот тадбирлари, тушунтириш ишлари олиб борилаётир. Зеро, аҳолининг ҳуқуқий саводхонлиги, ҳуқуқий маданияти юксак даражада бўлса, улар ўз ҳуқуқ ва эркинликларидан унумли фойдалана олишади. Натижада мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш бўйича яратилган тизим янада ривожланади.

**Наргиза ТУРСУНОВА,**
**Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси масъул ходими**




**МИЛЛИЙ ҚАДРИЯТЛАРИМИЗ**

## Бунёдкорлик ва ободлик байрами

***Шу кунларда атрофда ажиб манзаралар барқ уриб, табиат уйғонмоқда. Баҳор ҳавосидан қалбларга тароват, илиқлик югурмоқда. Янгиланиш, яшариш фасли бошланди. Шукуҳли бу кунларда эса юртимизда Наврўз умумхалқ байрами кенг нишонланади. Асрлар тарихига эга бу байрам томошаларида халқимизнинг қадимий урф-одатлари, миллий анъаналаримиз, турфа маросимлар намойиш этилади, қайта тикланиб, янгича тус олади. Шу тариқа миллий меросларимиз авлодлар қалбига сингa боради. Наврўз байрамининг қадим тарихи, миллий қадриятларимиз билан боғлиқ жиҳатлари, бугунги маданий-маърифий ҳаётимизда тутган ўрни ҳақидаги “Туркистон-пресс” ахборот агентлиги мухбирининг саволларига фольклоршунос олим, академик Тўра МИРЗАЕВ қуйидагиларни гапириб берди:***

— Мустақиллик йилларида барча соҳаларда бўлгани каби мамлакатимиз маданий-маърифий ҳаётида ҳам жуда катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Мазкур жабҳада мустақиллик арафасида, ҳали собиқ иттифоқ ҳукмрон бир пайтда давлатимиз раҳбари томонидан маданий-маърифий, умуман, маънавий ҳаётимизда туб бурилиш ясаган муҳим бир тарихий ҳужжат имзоланганлигини бугун қувонч билан эслаймиз. Бу - Президентимизнинг 1990 йил 3 майдаги Фармони асосида 21 март — юртимизда Наврўз умумхалқ байрами ва дам олиш куни, деб эълон қилинганлиги бўлди. Наврўз ҳақидаги мазкур Фармон бу кунни кенг миқёсда умумхалқ байрами сифатида нишонлаш имконини яратди.

Таъкидлашимиз ўринлики, Наврўз байрами жуда қадимий байрам саналади. Мутахассисларнинг фикрича, хусусан, устозимиз Ходи Зарифнинг айтишича, бу байрамнинг тарихи қарийб 4-4,5 минг йиллик, деган тахминлар мавжуд. Бунга муайян асослар ҳам бор. X аср тарихчиси Абу Бакр Наршахий “Бухоро тарихи” китобида бунга 3 минг йиллар бўлган, деган фикрни билдиради.

Наврўз асосан баҳорий тенг кунлик 21-22 мартдан бошлаб нишонланган ва бир ҳафта, ўн кун, ҳатто, баъзи жойларда бир ойгача давом этган. Наврўз байрами — бу деҳқон, чўпон, ҳунарманд, қўйингки, ҳаммамизнинг ҳақиқий умумхалқ байрамимиздир. Тарихда Наврўзга муносабат доимо бир хил бўлиб келмаган. Турли даврларда Наврўз байрамига у ё бу даражада аралашувлар бўлган. Биз жуда яхши эслаймиз, Наврўзга энг қўпол тазйиқ шўролар даври сиёсати билан боғлиқ. Собиқ иттифоқ даврида Наврўзни байрам сифатида нишонлаш тақиқлаб қўйилган. Ҳатто Наврўз байрамини Навбаҳор байрамига алмаштириш керак, қабилидаги таклифлар олға сурилди. Шунингдек, Наврўз байрами ўтадиган март ойининг учинчи якшанбасида хотира кунини нишонлаш қонунлаштириб қўйилди. Бу эса собиқ коммунистлар мафкурасининг Наврўз байрамини умуман йўқотишга бўлган хатти-ҳаракатлари эди.

Президентимиз Ислом Каримовнинг Фармони ниҳоятда катта, ҳам маданий-маънавий, ҳам тарихий-сиёсий аҳамиятга эга бўлган ижтимоий ҳодиса бўлди. Бинобарин, 1990 йилдан буён Наврўз мамлакатимизда умумхалқ байрами сифатида тантана қилиб келинади. Наврўз байрами тикланиши билан қадимий урф-одатларимиз, маросимларимиз қайта кўз очди.

Наврўз байрамининг асосий қисми томоша ҳисобланади. Бизда қадимдан “Майдон томошаси” деган тушунча бор. Яъни, махсус тайёрланган саҳналарда эмас, далаларда қизиқчилар, халқ театри вакиллари, дорбозлар, аскиячилар, халқ ансамбллари чиқишлари бўлганки, буни “Майдон томошаси” деб айтилган. Ана шундай кенг майдон томошаларидаги қадимий урф-одатлар, ҳаракатлар Наврўз байрамини нишонлаш муносабати билан тикланди. Масалан, халқимизда қадимдан ковуш рақси бўлган. Шу рақс қайсидир бир қишлоқларимизда сақланиб қолган экан ва бугунги кунда Наврўз байрами дастурига киритилди. Бу каби қайта тикланган қўшиқлар, рақслар, лапарлар аллақанча. Ва шу муносабат билан мамлакатимизда фольклор-этнографик ансамбллар кенг қулоч ёйди. Ҳозирда нафақат ҳар бир вилоятда, балки ҳар бир туманда, қишлоқларимизда ҳам фольклор-этнографик ансамбллар мавжуд. Уларнинг репертуарларида асосан Наврўз билан боғлиқ урф-одатлар, қўшиқ ва лапарлар ўзининг саҳнавий талқинини топмоқда. Биргина мисол — келин салом. Саҳнада сиз кўрганингиз келин салом реал ҳаётда, турмушдаги келин саломдан фарқланади. Демак, турмушда бўладиган келин саломнинг саҳнавий талқини яратилган. Бу саҳнавий кўринишларда ўша анъаналардаги асосий ҳолатлар сақланиб қолинди. Булар сирасига қўш ҳайдашда, хирмон совуришда, ҳунармандчиликда айтиладиган ўнлаб қўшиқларни киритиш мумкин. Улар барчаси Наврўз байрамида талқин этилмоқда. Бу маданий ҳаётимиздаги улкан воқеалардан ҳисобланади.

Наврўз байрами ҳақида турли қадимий манбаларда баъзи маълумотлар сақланиб қолган. Беруний бобомиз шундай ёзган экан: “Бу кун — фаришталар қадрлайдиган кундир, чунки шу куни фаришталар яратилган. Бу кунни пайғамбарлар ҳам қадрлайди, чунки шу куни қуёш яратилган. Бу кунни шоҳлар ҳам қадрлайдилар, чунки бу кун йилнинг биринчи кунидир”. Агар биз адабиётимиз тарихига назар ташласак, Наврўз ҳақидаги биринчи ғазални XIV аср шоири Рабғузий ёзганлиги гувоҳи бўламиз. Ва бу ўзбек адабиётидаги илк ғазал ҳисобланади. Энди Наврўз, бойчечак ҳақидаги 20 аср ўзбек адабиётида биринчи шеърни, янглишмасам, Чўлпон ёзган.

Мустақиллик йилларидан бошлаб Наврўз байрами тарихини ўрганиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, 1992 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси нашриёти “Наврўз” деган китобни нашр этди. Шундан кейин Наврўз ҳақида кўплаб тадқиқотлар олиб борилди. Бу байрам мавзусида илмий ишлар қилинди. Айни жараён билан боғлиқ тадқиқотлар сирасига Маматқул Жўраевнинг “Наврўз байрами” деган китобини, Шомирза Турдимов ва Жаббор Эшонқуловлар томонидан тузилган “Наврўз нашидаси” тўпламини айтиш мумкин. Тўпламдан Наврўз ҳақида Рабғузийдан тортиб то бугунги кунгача ёзувчи-шоирлар томонидан Наврўзга бағишлаб битилган ижод намуналари, фольклор намуналари тўплами ўрин олган. Шу ўринда Наврўзни ўрганиш борасида ҳали лозим бўлган вазифалар ниҳоятда кўп. Масалан, бизга Наврўз тарихи бўйича китоб керак. 1990 йилдан то бугунгача Наврўз байрамини нишонлашда маданият ходимларимиз эгаллаган тажрибани умумлаштириш масаласи ҳам долзарб вазифалардан бири. Ҳар йили пойтахтимизда нишонланадиган асосий байрам томошаларини ўрганиш, тадқиқ қилиш вақти келди. Бу байрам дастурларини ўрганишнинг икки муҳим, долзарб жиҳати бор. Биринчидан, бу тантаналарда аллақанча унут бўлаёзган маросимлардан тортиб, фольклор намуналари тикланди. Иккинчидан, бизнинг шоирларимиз, санъаткорларимиз шу томошани мукаммал ўтказиш учун ўзларининг ижодий фаолиятларини фаоллаштирдилар. Демак, бу жараённи ўрганиш, ўзлаштириш керак бўлади. Хусусан, санъатшунослар, фольклоршунослар, адабиётшунослар, тарихчилар бу соҳада ўз кучларини бирлаштириб, улкан монографик асарлар яратишлари бугунги кун талабидир.

Маълумки, мустақиллик йилларида Наврўз умумжаҳон байрами сифатида тан олинди. 2009 йилда ЮНЕСКО томонидан Наврўз инсониятнинг номоддий маданият мероси рўйхатига киритилди. Бу фахрли ҳодиса юртимизда Президентимиз раҳнамолигида халқимиз маданий-маърифий меросига қаратилаётган юксак эътибор нишонасидир.

Наврўз байрами элимизда ободлик, тинчлик-тотувлик, миллатларо аҳиллик, бағрикенглик рамзи, қалбларимизда эзгулик уйғотадиган ҳақиқий шарқона байрам бўлиб қолаверади.

**АНЖУМАН**

***Миллий матбуот марказида Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси фаолияти, 2013 йилги амалга оширилиши режалаштирилган ишларга бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.***

## Фаровонлик йўлида

Анжуманда Тошкент шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармаси Ўзбекистон Республикаси “Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида”ги Қонуни талабларини амалга ошириб, аҳоли бандлигини, шунингдек, ўрта махсус, касб-ҳунар ўқув юртлари битирувчиларининг бандлигини таъминлаш, пойтахтда яратилаётган янги иш ўринлари ҳисобини юритиш, ишсиз аҳолини касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва бошқа йўналишларда фаолият кўрсатаётганлиги ҳақидаги таҳлилий маълумотлар берилди. Шу жумладан 2012 йилда Тошкент шаҳрида янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий дастурига асосан 82258 (101,2 %) иш ўринлари яратилган. Яратилган иш ўринларининг 68,2% банд қилинди. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси маълумотига кўра Тошкент шаҳрида яшовчи 26038 нафар битирувчиларининг 21986 (84,4 %) ишга жойлаштирилган бўлса, 1730 (6,6 %) нафари олий таълим муассасаларида ўқишни давом эттирмоқдалар.

2013 йилда иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш ҳудудий Дастурига биноан Тошкент шаҳрида 2013 йилда барча соҳалар бўйича 81659 та иш ўрини, шу жумладан кичик корхоналар ва микрофирмаларни ташкил қилиш ҳисобига 50424 та иш ўрини яратилиши режалаштирилган. Тошкент шаҳар ички ишлар бошқармасининг маълумотига кўра амнистияга асосан озод қилинган тиббий кўрикдан ўтган 277 нафар шахснинг ва 193 нафар меҳнатга лаёқатлиларнинг 193 нафари бандлиги таъминланган. Тошкент шаҳрида касб-ҳунар коллежлари битирувчилари 10 мингта корхонага амалиёт ўташ ва иш жараёнини ўрганиш мақсадида бириктирилган. 2013 йилда туманларда 120 та меҳнат ярмаркалари ўтказилиши режалаштирилган. Тошкент шаҳридаги 467 та маҳаллада “Ишга жойлаштириш куни” тадбирлари ўтказилади.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# РЕКЛАМА

**Qishloq Qurilish Bank**

***Барча юртдошларимизни, акциядорлар ва мижозларимизни янгиланиш ва эзгулик рамзи бўлмиш НАВРЎЗ айёми билан самимий муборакбод этади!***

***Сизларга мустаҳкам соғлиқ, хонадонингизга файзу барака, тинчлик - хотиржамлик, ишларингизда омад тилаган ҳолда, қуйидаги янги омонат турларини таклиф этади:***

**МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА:**

***«Наврўз»*** - муддати 1 ой
***«Баҳор»*** - муддати 3 ой
***«Барҳаёт»*** - муддати 12 ой
***«Обод турмуш»*** - муддати 24 ой
***«Бинафша»*** - муддати 6 ой

**ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАДА:**

***«New»*** - муддати 1-3 ой

Қуйидаги омонат турлари намунавий лойиҳалар асосида қурилаётган уй-жойларни олувчи фуқароларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий қилинган:

***«Мадад»*** - муддати 1 йил
***«Қурилишга бошланғич бадал»*** - 1 йилдан кам бўлмаган муддатга

Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.

| | |
|---|---|
| Тошкент шаҳар минтақавий филиали | (371) 150-77-21 |
| Тошкент вилояти минтақавий филиали | (371) 150-79-19 |
| Андижон минтақавий филиали | (374) 222-23-72 |
| Фарғона минтақавий филиали | (373) 229-70-91 |
| Наманган минтақавий филиали | (369) 223-04-37 |
| Бухоро минтақавий филиали | (365) 223-92-21 |
| Самарқанд минтақавий филиали | (366) 210-02-49 |
| Қашқадарё минтақавий филиали | (375) 771-04-26 |
| Сурхондарё минтақавий филиали | (376) 770-83-72 |
| Қорақалпоғистон минтақавий филиали | (361) 224-22-15 |
| Хоразм минтақавий филиали | (362) 227-48-15 |
| Сирдарё минтақавий филиали | (367) 221-00-71 |
| Жиззах минтақавий филиали | (372) 771-63-38 |
| Навоий минтақавий филиали | (436) 770-27-97 |

*Банкдаги омонатлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 28 ноябрдаги "Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ - 4057 - сонли Фармони асосида тўлиқ кафолатланади.*

Мурожаат учун телефонлар: (+99871) 150-76-53, 150-39-93
www.qqb.uz

*Қишлоқ қурилиш банк - фаровон ҳаётингиз хизматида!*

**Хизматлар лицензияланган.**




**ТАЪЛИМ**

***Истиқлол йилларида юртимизда илму фан, саноат ва техника, маънавият ва маърифатга бўлган эътибор янада кучайди. Айниқса, халқимиз фаровонлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини кўтариш, мамлакатда саноат ва ишлаб чиқаришни ривожлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилди.***

# Иқтидорли ёшлар

**Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти қошидаги 2-сон Қоровулбозор академик лицейида таҳсил олмоқда**



1997 йилнинг 22 августида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг ишга туширилиши эса давлатимиз тарихидаги унутилмас воқеалардан бири бўлди. Чўл бағрида "Нефтчилар" шаҳарчаси бунёд этилди. Шаҳарчада завод ишчилари ва уларнинг фарзандлари учун барча имконият ва шарт-шароитлар яратилди. Қолаверса, давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан қабул қилинган "Таълим тўғрисида"ги қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури талабларидан келиб чиққан ҳолда шаҳарчада замон талабларига мос таълим масканларини барпо этиш режалаштирилди. Шу мақсадда вилоят ҳокимининг 2007 йил 7 майдаги 188-сонли қарори билан Қоровулбозор туманида 8-ихтисослаштирилган умумий ўрта таълим мактаб-интернати очилди. Ўша йилнинг 26 майида "Нефтчилар" шаҳарчасида 240 ўринга мўлжалланган умумий ўрта таълим мактаб-интернати иш бошлади.

Қоровулбозор Бухоро вилоятининг чекка туманларидан бири. Вилоятда мавжуд 20 дан ортиқ иқтидорли ўқувчилар мактаб-интернатлари, жумладан, Қоракўлдаги 1-сон, Ғиждувон, Вобкент, Шофиркон, Бухоро, Жондор туманларидаги мактаб-интернатлар фаолияти ўрганиб чиқилди. Шундан сўнг, Қоровулбозор туманида завод маблағи ҳисобидан 5-қурилиш монтаж фирмаси бунёдкорлари томонидан икки қаватли таълим даргоҳи барпо этилди. Мазкур таълим даргоҳига 2007 йили 180 нафар ўқувчи қабул қилиниб, уларга 27 нафар ўқитувчи таълим-тарбия бера бошлади. Мактаб-интернатда математика-физика, математика-кимё, математика-информатика, кимё-биология фан йўналишлари бўйича чуқур ўргатиладиган синфлар ташкил этилди. Улар замон талабларига мос равишда лаборатория асбоб-ускуналари, ахборот коммуникация технологиялари ва адабиётлар билан таъминланди. Шунингдек, ўқувчилар учун 150 ўринга мўлжалланган ошхона, барча қулайликларга эга ётоқхона, ювиниш ва дам олиш хоналари мавжуд. Интернат чўл зонасида жойлашганлиги сабабли синф хоналари ва залларга 15 та совутгич ўрнатилди.

Мактаб-интернати ўқувчилари туман ва вилоят миқёсида ўтказилган фан олимпиадаларида фаол иштирок этиб, фахрли ўринларни қўлга киритишди. Билим маскани ўқитувчиси Ш.Элмуродова биология фани бўйича "Йилнинг энг яхши ўқитувчиси" республика танловида қатнашиб, иккинчи даражали диплом билан тақдирланди. Бундан ташқари, мактабнинг физика фани ўқитувчиси И.Жўраев, она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси Қ.Гадоева, кимё фани ўқитувчиси М.Холлиева, тарих фани ўқитувчиси Н.Худойбердиев томонидан тайёрланган услубий қўлланмалар вилоят миқёсида оммалаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 21 августдаги 243-сонли, вилоят ҳокимининг 2009 йил 30 августдаги 236-сонли, туман ҳокимининг 2009 йил 2 сентябрдаги 232-сонли қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ўрта-махсус касб-ҳунар таълими марказининг 2009 йил 4 сентябрдаги 203-сонли буйруғи асосида мактаб-интернат базасида Бухоро озиқ-овқат технологиялари институти ҳузуридаги 2-сон Қоровулбозор лицейи ташкил этилди.

2009-2010 ўқув йилида академик лицей республикамизнинг турли вилоятлари, туманимиздаги умумтаълим мактаблари ва мактаб-интернат ўқувчиларини танлов асосида қабул қила бошлади. Академик лицей 4 та гуруҳда 100 нафар талабага аниқ ва табиий фанлар йўналиши бўйича таълим фаолиятини йўлга қўйди. Ўша йили лицей ўқувчилари Қозоғистонда бўлиб ўтган Бутунжаҳон фан олимпиадасида қатнашди. Лицей ўқувчиларидан Содиқ Исмоилов физика, Амон Олимов информатика фанлари бўйича иштирок этиб, диплом билан тақдирланди. Шунингдек, Интернет орқали ўтказилган сиртқи фан олимпиадаларида ўқувчиларимизнинг 10 нафари ғолибликни қўлга киритди.



Мустақиллигимизнинг 20 йиллигини лицейимиз ўқувчилари мақташга арзигулик ютуқлар билан нишонлашди. Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармаси томонидан ўтказилган барча фан олимпиадаларида муваффақиятли қатнашган ўқувчиларимиз география, тарих, математика ва физика фанлари бўйича фахрли ўринларга лойиқ топилди. Шунингдек, "Келажак овози" кўрик-танловининг вилоят босқичида ўз лойиҳаси билан иштирок этган Жасур Мирзаев ва Наврўз Шариповнинг ғалабаси лицейимиз обрўсини яна бир поғонага кўтарди. Яна бир ўқувчимиз Гулҳаё Мирзақулова экология, атроф-муҳит муаммоларини ўрганиш ва уларни бартараф этишга бағишланган китобини чоп эттирди. Бу иши учун "Зулфия" номидаги давлат мукофотига номзодлар танловида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яқинда эса лицейимизнинг иқтидорли ўқувчилари Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси томонидан ташкил этилган "Ёш сиёсатшунослар" танловининг республика босқичида иштирок этиб, фахрли 2-ўринни эгаллашди.

Академик лицейда 2010-2011 ўқув йилида аниқ ва табиий фанлар йўналиши билан бир қаторда иқтисод йўналишида ҳам таълим бериш йўлга қўйилди. Янги ўқув йилида биринчи ва иккинчи курс талабаларининг сони 220 нафарга етди. Шундан 20 фоизи бошқа вилоятлардан келиб ўқиётган ёшлар ҳиссасига тўғри келади. Ўқувчиларимизнинг олти нафарига ҳомий ташкилот ва Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, "Камолот" ЁИҲнинг стипендиялари ажратилган. Бундан ташқари, лицейимиз ўқувчиларидан Гулҳаё Мирзақулова ва Нилуфар Ғуломжонова вилоят ҳокими, Рушана Норова, Динара Ибрагимова, Гулҳаё Маҳмудова, Шаҳзод Эргашев Бухоро юқори технологиялар муҳандислик-техника институти стипендиати эканлиги лицей жамоасига фахру ғурур бағишлайди.





**Манзура САЙДАҲМЕДОВА,**
**Бухоро ЮТМИ қошидаги 2-сон Қоровулбозор академик лицейи директори, ЎзМТДПдан сайланган халқ депутатлари Қоровулбозор туман Кенгаши депутати**

# БАЙРАМ ТАБРИГИ










**Яшариш фасли юртимизга, ҳар бир хонадонга қут-барака олиб кирсин!**

**БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!**

# ҚУТЛОВ

## “СИРДАРЁ ПАХТАСАНОАТ” ҲУДУДИЙ АКЦИЯДОРЛИК БИРЛАШМАСИ ОАЖ ЖАМОАСИ

Яшариш ва янгиланиш айёми –

**Наврўзи олам**

билан барча юртдошларимизни табриклайди.
Обод турмуш йилида
файзли хонадонингиздан тўкин-сочинлик,
осойишталик аримасин!



БАЙРАМ МУБОРАК!

## XALQ BANKI

**Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси**

*мамлакатимиз аҳолисини **НАВРЎЗ** байрами билан сидқидилдан муборакбод этади.*
*Ушбу қувончли кунларда хонадонларингизга бахт, дастурхонингизга тўкин-сочинлик ва оилангизга фаровонлик тилайди.*
*Диёримиз осмони мусаффо, халқимиз ҳаёти обод бўлсин!*

Эълон

### «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ 2013 йил 25 апрель куни бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очиқ аукцион савдоларини ўтказади!

Аукцион савдоларига Тошкент ш., М.Улуғбек тумани, Т.Малик кўчаси, 3-«А»уйда жойлашган «YO‘LOVCHITRANSSERVIS» ягона хўжалик ҳисобидаги маркази» балансидаги 2005й. и/ч, д/р 01/556GBA, бошланғич нархи 6 911 000 сўм бўлган «ГАЗ-3102» русумли; Тошкент ш., Чилонзор тумани, Олмазор кўчаси, 11-«А» уйда жойлашган Марказий майдонларни ободонлаштириш ихтисослаштирилган бошқармаси балансидаги д/р ЕР0883, бошланғич нархи 15 565 200 сўм бўлган «ЭО-2621В-2», 1992й. и/ч, д/р ЕО1225, бошланғич нархи 14 174 216 сўм бўлган «КО-206», 1996й. и/ч, д/р 01/969RBA, бошланғич нархи 17 290 000 сўм бўлган «АВИА А311КС», 1988й. и/ч, д/р 01/967RBA, бошланғич нархи 28 564 521 сўм бўлган «ЛАЗ-695НГ» русумли; Тошкент ш., Шайхонтоҳур тумани, Новоий кўчаси, 40-уйда жойлашган «TASHGIPROGOR» ОАЖ балансидаги 1991й. и/ч, д/р 10AY200, бошланғич нархи 8 273 200 сўм бўлган «Фольксваген Транспорт» русумли; Тошкент ш., Олмазор тумани, Уста Ширин кўчаси, 136-уйда жойлашган «MODDIY-TEXNIK TA’MINOT BOSHQARMASI» ДК балансидаги 1997й. и/ч, д/р 01/253ТВА, бошланғич нархи 1 915 318,23 сўм бўлган «ГАЗ-310200» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талабгорлардан буюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан бир кун аввал соат 18-00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА 00425, СТИР 302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузулгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Тўловлар нақд пул шаклида ёки ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан амалга оширилади.

**Мазкур ускуналар ва автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо кунида сотилмаган тақдирда, улар навбатдаги ҳафталарнинг** пайшанба **кунлари ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилади. Ушбу мол-мулкларга қизиқиш билдирган талабгорлар, уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотларнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилига бориб танишишлари мумкин.**

Аукцион савдолари соат 15-00да бошланади ва қуйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:

Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16«А»-уй, 3-қават, 307-хона (Мажлислар зали).

**Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: 233-23-40; телефакс: 233-23-40, электрон почта: TUAS_MCHJ@mail.ru.**

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИДАГИ “151-СОНЛИ ҚУРИЛИШ МОНТАЖ ПОЕЗДИ” МЧЖ ҚУРУВЧИ ВА ИШЧИ ХИЗМАТЧИЛАРИ ЖАМОАСИ

*Юртимизга ўзининг фусункор тароватини, қут-баракаси билан кириб келаётган*

**НАВРЎЗИ ОЛАМ**

*билан барча юртдошларимиз қутлайди.*

**Баҳорнинг илк чечакларига хос гўзаллик сизларни тарк этмасин!**

Газетанинг ушбу сонидаги 9-16 бетлар ўқувчиларга бепул илова қилинмокда

# ҚУТЛОВ

## БУХОРО ВИЛОЯТ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

Барча юртдошларимизни, устозу мураббийларни она заминга бир-биридан чиройли ва ҳаётбахш гулларни поёндоз қилган

**Наврўз шодиёнаси**

билан чин қалбдан табриклайди



Обод турмуш йилида дилларимизни баҳорий илиқлик, қувонч, хуш дамлар тарк этмасин.



## НУКУС ХАЛҚАРО АЭРОПОРТИ ЖАМОАСИ

Улуғ шодиёнага катта орзу-мақсадлар билан пешвоз чиқаётган юртимиз меҳнаткашларини яшариш-янгиланиш рамзи бўлган

**Наврўзи олам**

билан табриклайди

ПАРВОЗИНГИЗ ДОИМО БЕХАТАР БЎЛСИН!



## “МУРУВВАТ ЗАРАФШОН” ХУСУСИЙ КОРХОНАСИ ЖАМОАСИ

*Мамлакатимизнинг барча фуқароларини меҳр-мурувват, гўзаллик, яшариш ва бағрикенглик тимсоли бўлган, халқимизнинг умрбоқий анъана ва удумлари мужассамлашган*

# НАВРЎЗ БАЙРАМИ

*билан қутлайди.*

# БАЙРАМ ТАБРИГИ




ФАОЛИЯТ

## Инсон манфаатларини таъминлаш

### асосий мақсадимиз

***Бугун юртимизда кечаётган демократик ислоҳотлар жараёнида фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мамлакатни демократлаштириш ва аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, қонунлар, Давлат дастурлари ижроси юзасидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда депутатлардан янада фаоллик ва ташаббускорлик талаб этади.***

Таъкидлаш жоизки, жорий “Обод турмуш йили”да жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унинг ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда қўллаб-қувватлашни янада кучайтиришга алоҳида эътибор бериш кўзда тутилган. Бу борада халқ депутатлари Хоразм вилоят Кенгашидаги ЎзМТДП депутатлик гуруҳи томонидан ҳам қатор ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, депутатлик гуруҳи томонидан 2013 йил “Обод турмуш йили” Давлат дастури ижросини бажариш бўйича ёш оилаларни мустаҳкамлаш, уларни ўйлантираётган муаммоларини ҳал этиш, моддий-маънавий кўмак бериш, қабул қилинган қарор ва фармонлар ижроси юзасидан тушунтириш ишларини олиб бориш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Хусусан, партия депутатлик гуруҳи ҳудудда “Оилавий тадбиркорлик тўғрисида” ги Қонун ижросини таъминлаш борасида жамоатчилик орасида тарғибот ишларини олиб бормоқда. “Янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш” дастури бўйича сайлов округи ҳудудида жойлашган корхона, ташкилотлар билан мунтазам ҳамкорлик қилиб, учрашувлар, тадбирлар ўтказиб борамиз. Шу билан бирга инқирозга қарши-тадбирлар бўйича “Қиркёп”, “Намуна” ҚФЙ ларида 470 га яқин ишчи ўринлари яратилди. Уларнинг 193 нафари аёлларни ташкил этади. Ишга жойлашганларнинг асосий қисми касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидир. Ишчи ўринларини яратишга 65 миллион сўм маблағ сарфланди. Шунингдек, “Маданий ер”, “Пахтакор”, “Дўрмон”, Хонқобод, “Туркистон” маҳаллаларида аёллар ва эндигина коллежни тамомлаган қизларни иш билан таъминлаш мақсадида тикув дастгоҳлари ўрнатилди. Коллеж битирувчиларидан беш нафарига ўз бизнесларини ривожлантиришлари учун банклардан кредит олишга кўмаклашилди.

Партия депутатлик гуруҳи ЎзМТДП Марказий Кенгашининг IX пленумида тақдим этилган “Партия дастурий мақсадларини изчиллик билан амалга ошириб, электорат манфаатларига хизмат қилиш - устувор вазифамиз” мавзусини кенгроқ ўрганиш ҳамда ЎзМТДП сайловолди Платформасида белгиланган устувор вазифалардан келиб чиқиб, миллий ҳунармандчилик, касаначилик, оилавий тадбиркорлик ва туризмни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларга кўмаклашиб келмоқда.

Бугун қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, замонавий кўринишдаги уйлар, ижтимоий масканлар барпо этиш борасида улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилмоқда. Янги мавзеларда турар жойлар билан бирга таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш муассасалари, болалар учун спорт майдончалари, савдо, маданий, маиший объектлари барпо этилмоқда. Кенг, равон йўллар қурилиб, аҳоли учун кўп қулайликлар яратилаяпти. Ўтган йили туманимизда ўттизга яқин оила ана шундай янги, замонавий уйларга кўчиб ўтишди. “Обод турмуш йили”да бу кўрсаткич яна ҳам кўпаяди.

**Зафар КАРИМОВ,**
**ЎзМТДПдан сайланган**
**халқ депутатлари**
**Хоразм вилоят Кенгаши депутати**

**Эълон**

**«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиали томонидан бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

I. Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси автохўжалигининг 2013 йил 16 март кунидаги 26-сонли хатига асосан қуйидаги автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда:

1. “ВАЗ-21063” русумли, д/б 20 788 DAA бўлган, 1992 йил ишлаб чикарилган, Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси автохўжалигининг автогаражида сакланаётган носоз ҳолдаги автотранспорт воситаси, Бошланғич баҳоси — 3 226 091 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 23 апрел куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади.

Ушбу автотранспорт воситалари билан Сирдарё вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси автохўжалигининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Тўлов ва аризаларни қабул қилиш, эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади. Охирги муддати: бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларда қатнашиш учун талабгорлар «Савдо ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган микдорда закалат пулини ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда «UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ Сирдарё вилоят филиалининг ОАТ “Турон” банк ОАЖ Сирдарё вилоят филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: Х-Р: 2020 8000 2049 3216 8027, МФО: 00368.

**Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Гулистон шаҳар, Мустақиллик кўчаси 35-уй 1-қават, телефон: 235-03-58.**
**Хизматлар лицензияланган: № 004059 2011 йил 18 август**



# ҚУТЛОВ










**ЁШЛАР ҚАНОТИ**

***Ёш авлодни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, билим бериш, касб-ҳунар ўргатиш мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бош мақсади ҳисобланади. Самарқанд туман Равонак қурилиш ва миллий ҳунармандчилик касб-ҳунар коллежи бугунги кунда 2612 нафар ўқувчини ўз бағрига олган.***

## Ҳамжиҳатлик

### ютуқлар омили бўлмокда

— Ер юзининг сайқали деб таъриф берилган Самарқанд қадимдан архитектура, қурилиш, ҳунармандчилик ривож топган замин саналади, - дейди коллеж директори, техника фанлари номзоди Собир Зайниев. — Биз ҳам бугунги кунда ана шу йўналишларда замонамизга мос, етук мутахассислар тайёрлаймиз. Ҳеч қандай билим масканидан қолишмайдиган шарт-шароит ва имкониятларга эгамиз. Коллежда "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда ЎзМТДП бошланғич партия ташкилоти ташкил этилган. Ташкилот бугунги кунда талабалар билан муносиб ишлар олиб бораяпти. Талабанинг дарс жараёнидаги иштирок этишларидан тортиб, спорт ҳамда бошқа тадбирлардаги фаолликларигача ташкилот аъзоларининг кузатувида бўлади. Ҳаракат фаолларининг ташаббуслари билан тез-тез қизиқарли тадбирлар, мусобақалар ўтказиб турилади. Бу ишларга нафақат талабалар, балки ўқитувчилар жамоаси ҳам ўз ҳиссаларини қўшишади. Зеро, ҳамма жойда ишларнинг самарали бориши ҳамжиҳатликка боғлиқ. Ҳамжиҳатликнинг натижаси ўлароқ ушбу коллеж ҳар жиҳатдан вилоятдаги ўқув юртлари орасида юқори ўринга эришиб бораяпти. ЎзМТДП бошланғич партия ташкилоти етакчиси Дилдора Ортиқова партия марказий кенгаши Аёллар қаноти ташаббуси билан ўтказилган "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" танловининг вилоят босқичида фахрли иккинчи ўринни эгаллади. Коллеж директори ўринбосари Ҳаловат Исоқова Республика маънавият тарғиботи маркази томонидан ўтказилган "Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси" танловининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди. Коллеж ўқувчиси Интизор Ҳамроқулова "Ёш тадбиркор" лойиҳаси бўйича республикада иккинчи ўринни қўлга киритди. Шохрух Нажмиддинов сузиш бўйича ўтказилган республика мусобақасида биринчи ўрин соҳиби бўлди. Спортнинг кикбоксинг тури бўйича ўтказилган вилоят мусобақасида Дилмурод Халимов биринчи, Бахтиёр Истамов эса иккинчи ўринни эгаллади. Кураш бўйича Орзумурод Нуров учинчи ўринга муяссар бўлди. Ўтказилган фан олимпиадаларида Шахзода Сайидқулова тарих фанидан, Мавлуда Эшқувватова эса она тили ва адабиёти фанидан вилоят босқичининг ғолиблари бўлишди.

**Ориф ХОЛИҚУЛОВ,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**

# БАЙРАМ МУБОРАК




## Ҳурматли юртдошлар!

## "АСАКА" банк (ОАЖ) жамоаси

**Сизларни Наврўз байрами билан табриклайди ва қуйидаги миллий валютадаги муддатли янги омонат турини таклиф этади:**

## «НАВРЎЗ 2013»

***Ушбу омонатнинг сақланиш муддати 13 ой бўлиб, ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат муддати тугагандан сўнг берилади.***

***Ушбу омонат турини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин. Мурожаат учун: «Асака» банк (ОАЖ) филиаллари телефонлари: 120-39-81, 120-39-60, 120-39-63***

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳар филиали | 371 | 120-83-13 |
| Автотранспорт филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтохур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 221-80-67 |
| Сирғали филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилоят филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилоят филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| Фарҳод филиали | 374 | 226-97-53 |
| Фарғона вилоят филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиариқ филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилоят филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилоят филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилоят филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шахар филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилоят филиали | 366 | 231-08-86 |
| Афросиёб филиали | 366 | 221-77-56 |
| Қашқадарё вилоят филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилоят филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қорақалпоғистон филиали | 361 | 770-60-59 |
| Хоразм вилоят филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилоят филиали | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилоят филиали | 372 | 226-43-11 |

**Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади!**

Сизнинг омонатларингиз :
- солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод!
- маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади!
- эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда!
- миқдори чекланмаган!



**«Асака» банк (ОАЖ) — сармоянгизни сақланишини ва кўпайишини кафолатлайди!**

Хизматлар лицензияланган!


ТИББИЙ ХИЗМАТ

# Янги хорижий технологиялар

## аҳолига тез ва сифатли тиббий хизмат кўрсатишнинг муҳим омилига айланмоқда

***Эътибор берганмисиз, ёши улуғ, кекса отахону онахонларимиз дуога қўл очар экан, "тани сиҳатлик, хотиржамликни берсин", дея ният қилишади. Боиси, оила аъзоларининг саломатлиги жойида бўлсагина, шу масканда хотиржамлик ҳукм суради. Бугун мамлакатимизда турли соҳаларда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар замирида инсон саломатлиги, унинг хотиржамлиги ва осуда турмуш кечиришига бўлган эътибор мужассам.***

Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиали биносига кириб борар экансиз, давлатимиз раҳбари раҳнамолигида соғлиқни сақлаш соҳасида ҳаётга татбиқ этилаётган ислоҳотларнинг ёрқин ифодасини кўришингиз мумкин.

— Президентимизнинг "Тез тиббий ёрдам кўрсатиш тизими фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида"-ги қарорига мувофиқ марказимиз компьютерли томограф аппарати, автоклавлар, жарроҳлик жамланмалари билан таъминланди, - дейди РШТЁИМ Жиззах филиали директори Фарҳод Норқўзиев. — Шунингдек, марказимизга 7 та "HUNDAI" русумли автомашиналарининг келтирилгани хизматларимиз сифатини янада оширишга ёрдам бермоқда.

Дарҳақиқат, бугун мамлакатимизда жаҳон тиббиётининг энг илғор ютуқлари республикамиз соғлиқни сақлаш тизимига самарали татбиқ этилишида, ҳеч шубҳасиз, соҳага оид қабул қилинаётган қонунлар, Президент Фармонлари ва қарорлари муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Сизга ҳикоя қилмоқчи бўлганимиз РШТЁИМ Жиззах филиалининг реанимация бўлими қошида фаолият юритаётган гемодиализ (сунъий буйрак аппарати) хизмати хусусида.

— Инсон организми мураккаб тузилгани туфайли, ундаги ҳар бир аъзонинг ишлаши мураккаб жараёндир, - дейди биз билан суҳбатда олий тоифали шифокор Тоҳир Исоқов. — Айниқса, буйрак фаолиятининг ишдан чиқиши инсон ҳаётига зарар келтирувчи касаллик ҳисобланади. Тиббиёт тизимига замонавий технологияларнинг кириб келиши натижасида бу касалликнинг олдини олиш ва даволашга эришилмоқда. Ўткир ва сурункали буйрак етишмовчилиги билан оғриган беморлар ҳаётини узайтириш мақсадида сунъий буйрак аппаратидан амалиётда кенг фойдаланаяпмиз.

Истиқлол шарофати билан тиббиёт тизимига янги технологияларнинг жорий этилиши, илм-фан ривожи туфайли буйрак касаллиги билан оғриган беморлар ҳаётининг узоқ йилларга узайишига эришилди. Хорижда ишлаб чиқарилган сунъий буйрак аппаратлари бу борада муҳим аҳамият касб этмоқда.

— Бўлимимиз 2 та сунъий буйрак аппарати билан таъминланган бўлиб, 2009 йилдан буён беморларга юқори сифатли хизмат кўрсатиб келмоқда, - дейди Т.Исоқов. — Вилоятда гемодиализ хизмати эндигина йўлга қўйилган пайтда беморларимиз сони 18 нафарни ташкил этарди. Тарғибот ишларимиз, намунали хизматларимиз самараси ўлароқ, айни пайтда марказимизда 45 нафар бемор сунъий буйрак аппарати хизматидан фойдаланмоқда. Уларга икки нафар шифокор, 6 нафар ҳамшира ва 3 нафар кичик тиббий ходим беминнат ёрдам кўрсатишмоқда. Кўпчилик юртдошларимиз бу касалликнинг давоси йўқ, деб ўйлашади. Аксинча, ўз вақтида кўрсатилган самарали тиббий ёрдам беморларни бу дарддан фориғ бўлишларига ёрдам беради. Ўтган йиллар давомида инсонларга ҳаёт бахш этувчи сунъий буйрак аппарати ёрдами билан ўткир буйрак етишмовчилиги билан оғриган 11 нафар бемор дардига даво топди.

— Ёшим 34 да, - дейди сунъий буйрак аппаратидан фойдаланаётган Мазлума Ҳазратқулова. - Ёшлик қилибми, соғлигимга ўз вақтида эътибор бера олмадим. Қишнинг изғиринли кунларида буйрагим оғриб, қон босимим кўтарилиб касалхонага тушиб қолдим. Шифокорлар менга ўткир буйрак етишмовчилиги ташхисини қўйишди. Пойтахтга бориб сунъий буйрак аппаратидан фойдаланишни ўйлаб турганимда, вилоятимизда ҳам бундай хизмат кўрсатилиши ҳақида эшитиб қолдим. Мана икки йилдирки, сунъий буйрак аппаратидан фойдаланаман. Кундан-кунга аҳволимнинг яхшиланаётганини кўриб, шу мўъжазгина техникада тирикликнинг нишонаси борлигини кўриб ҳайратга тушаман.

— Соғлигимиз энг бебаҳо бойлигимиз эканини барчамиз яхши англаймизу, унга ўз вақтида эътибор қаратишни ёддан чиқарамиз, - дейди суҳбатдошимиз. — Бизга мурожаат этаётганларнинг аксарияти касалликнинг охирги босқичидаги беморлардир. Ўз вақтида мурожаат этган беморларимиз ҳам йўқ эмас. Ҳозир уларнинг аҳволи анча яхши. Қувонарлиси, вилоятимиз аҳолисининг тиббий қулайликлардан фойдаланиш салоҳияти ва тиббий маданият юксалиб бормоқда. Бунда марказимиз шифокорларининг аҳоли орасида олиб бораётган тарғиботи, намунали ва сифатли тиббий ёрдам ҳамда буйрак касалликлари профилактикаси устида олиб борилаётган изланишларимиз муҳим аҳамият касб этмоқда.

**Шоҳида ДАМАНОВА,**
**"Milliy tiklanish" мухбири**


## "ЎЗБЕКИСТОН ПОЧТАСИ" ОАЖ НАВОИЙ ФИЛИАЛИ ЖАМОАСИ

**Қалбларимизга меҳр нури, баҳор нафаси ва бетакрор гўзаллик сурурини олиб келган —**

## Наврўзи олам

**билан табриклайди!**

**Асрий анъана ва урф-одатларимиз бардавом бўлаверсин!**



**ЮРТИМИЗ РАВНАҚИ ВА ОБОДЛИГИГА КЎЗ ТЕГМАСИН!**

## БАЙРАМ ТАБРИГИ




**ОБОДОНЛАШТИРИШ ВА КЎКАЛАМЗОРЛАШТИРИШ ОЙЛИГИ**

## Ҳар кўчатнинг ўз эгаси бор

***Жиззах шаҳридаги Олмазор маҳалласида жорий йилда экилган 500 тупдан зиёд мевали ва манзарали дарахт кўчатлари баравж ўсмоқда.***

Мазкур маҳалланинг Олмазор деб аталишига сабаб унда боғроғлар, айниқса, олмазорлар кўп. Бундан уч йил аввал ҳудуддан ўтган Жиззах-Мирзачўл автомобиль йўлининг ёнида бўш ётган олти гектар майдонда ҳашар йўли билан маҳалла боғи барпо этилган эди. Ҳар йили боғдан олинган ҳосил, биринчи навбатда, маҳалладаги кексалар, эҳтиёжманд оилаларга тортиқ қилинади.

Бугунги кунда турли миллат вакиллари бўлган 6,5 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётган маҳаллада боғсиз ҳовли йўқ. Маҳалла гузари, мактаб, муассасалар ҳовлилари, кўча ва йўл четларига ҳам дарахтлар экилиб, уларнинг парвариши учун маҳалла фаолларидан иборат масъуллар бириктирилган.

Бу йил ҳам кўкаламзорлаштириш мавсумида маҳалла ҳудудида катта ҳажмда ишлар бажарилди. Йўл четларига 500 тупга яқин кўчат экилди. Муассасалар ҳовлилари, маҳалла боғи, кўча ва жамоат жойларидаги синган, яхши ривожланмаган дарахтлар ўрнига 200 тупдан зиёд янги ниҳоллар ўтқазилди.

— Маҳалламизда кўчат ўтқазиш мавсуми эрта баҳордан бошланган, - дейди фуқаролар йиғини раиси Н.Шамшиева. — Айни пайтда фаолларимиз томонидан экилган ниҳолларнинг яхши ривожланиши, вақтида парваришланиши назорат қилинаётир. Ватанимиз мустақиллигининг 22 йиллигига 22 туп кўчат экиш ташаббусига жавобан ҳовлиларда ва жамоат жойларида кўчат экишга, ҳудудимизни боғ-роғга айлантиришга ҳаракат қилаётирмиз. Бу ишда маҳалламизнинг барча аҳолиси фаол иштирок этмоқда.

Кўкаламзорлаштириш ойлигида маҳалла фаолларининг ўзлари намуна бўлмоқда. Маҳалла гузари, фуқаролар йиғини идораси атрофи ҳам боққа айлантирилгани бу ишга фаолларнинг нечоғли эътиборли эканлигини кўрсатади.

Ҳудудимиздаги учта хонадонда иссиқхона барпо этилган. Сабзавот, турли зираворлар ва кўчатлар етиштираётган хонадон соҳиблари ўз оилалари фаровонлигини таъминлаш билан бирга, маҳалла ободлигига ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Шундай маҳалладошларимиздан бири Вали Алижоновдир. Иссиқхонадан яхшигина даромад олаётган бу саховатли тадбиркор ҳудудни ободонлаштиришга, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилаларга имкон қадар моддий ёрдам бериб келаётир.

- Маҳалламизда ҳар бир кўчатнинг ривожланиб мева беришига алоҳида эътибор қаратилмоқда, - дейди маҳалла фуқаролар йиғини раисининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси О.Нишонова. - Бу масалага ҳар бир кишининг жиддий ёндашаётгани туфайли кейинги йилларда маҳалламиз шаҳримиздаги кўркам ва файзли масканлардан бирига айланди.

— Дарахт экиш, боғ яратиш ёшлар қалбида она табиатга, Ватанга меҳр-муҳаббат туйғусини юксалтиради, - дейди маҳалла фаолларидан Жиззах давлат педагогика институти профессори Б.Очилова. — Тарбиянинг бу йўналишида ҳам маҳалламизда ибратли тажриба тўпланган. Яшил боғлар, гулзорлар қўйнида ўсган одам меҳр-шафқатли бўлади. Айниқса, ўзи кўчат экиб, уни меҳр билан ўстирган боланинг қалбида ёмонликка ўрин қолмайди.

Бу фикрни маҳалланинг ободлиги-ю одамларнинг бир-бирларига меҳр-оқибатли эканлиги ҳам исботлаб турибди. Маҳаллада ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш тадбирлари доирасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг кўнгилларини обод этиш борасида ҳам савобли ишлар амалга оширилмоқда. Наврўз байрами муносабати билан ёлғиз қарияларнинг уйларига бориб, байрам совғалари топширилди. Айниқса, юз ёшдан ошган Турсуной момо Зокированинг маҳалла фаоллари йўқловидан боши осмонга етди.

Обод турмуш йилида маҳалла аҳли эзгу ниятлар, янги-янги режалар билан яшамоқда. Уларнинг амалга оширилиши ҳар бир оиланинг обод, маҳалланинг янада кўркам, саранжом-саришта ва файзли бўлишига, пировардида юртимиз фаровонлигига хизмат қилади.

**Т.БЕКНАЗАРОВ,**
**ЎзА мухбири**

**ХАТТОТЛИК САНЪАТИ**

***Ўзбекистон Бадиий академиясининг Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музейида халқаро хаттотлик мусобақалари ва республика санъат ҳафталикларида муваффақият билан қатнашиб келаётган хаттот Салимжон Бадалбоевнинг “Ватан мадҳи” номли кўргазмаси очилди.***

## «Ватан мадҳи»

### унда хаттотликка доир 60 дан зиёд асар намойиш этилди

Кўргазмада хаттотликка доир 60 дан зиёд асарлар ўрин эгаллаган бўлиб, уларда қадриятларимиз ва маънавиятимиз акс этган. Хаттотлик санъати мамлакатимизнинг кўп асрлик маданий-тарихий меросида ўз ўрнига эга. Ҳуснихат билан ёзилган, кўчирилган китоблар ниҳоятда қадрланган, аждодларимизнинг нодир асарлари мана шу ноёб санъат тури орқали асрлардан-асрларга ўтган. Бизгача етиб келган китоблардан маълумки хаттотлар матнларнинг китобларга кўчирилишида уларнинг чиройли бўлишига масъулият билан ёндашиб, уни санъат даражасига кўтаришга ҳаракат қилишган.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда қўлёзмалар, хаттотлик намуналарини сақлаш, тадқиқ қилишга эътибор кучайди, янги босқичга кўтарилди. Бугунги кунда хаттотлик санъатида эътиборга тушган хаттотлардан бири Салимжон Бадалбоевдир. У 1942 йили Тошкент шаҳрида туғилган. Тошкент давлат университети (ЎзМУ) филология факультетида таҳсил олган. 2009 йилда юксак эстетик маҳорати учун Ўзбекистон Бадиий академиясининг “Олтин медали” билан тақдирланган.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ**

# РЕКЛАМА ЎРНИДА







**АНЪАНА**

# Миллий халқ ўйинлари

**ўқувчилар ижросида**

***Миллий урф-одат, маросим ва анъаналар ҳаётимиз мазмуни. Халқимизнинг унутилмас қадриятлари замирида ҳаётимизнинг теран ҳақиқати мужассам. Улар асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келган ва кундалик ҳаётимизни жонлантириб туради.***



Мактабимиз ўқувчилари учун турли байрам, шонли сана ва унутилмас кунларни нишонлаш ҳамиша катта хурсандчилик олиб келади. Айниқса, умумхалқ байрамимиз — Наврўз арафасида янада қизғин тус олади. Жумладан, "Сумалак сайли", "Онам айтган аллалар", "Кўҳна замин оҳанглари" каби тадбирлар ҳамда халқ ўйинлари ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Болалар севиб ижро этадиган "Оқ теракми, кўк терак?" ўйинида бир ўқувчи билганини бошқалари такрорламаслиги лозим. Бу эса иштирокчиларни билимлар оламига етаклайди. "Чиллак", "Тўғди", "Қурма таёқ" каби миллий ўйинлар болаларда мерганлик, чаққонлик ва эпчиллик маҳоратларини оширади. Муҳими, Наврўз тантаналарида уюштирилган миллий халқ ўйинлари ўқувчилар ўртасида алоҳида аҳамият касб этиб, жамоадошларини жипслаштиради, ҳар бирида пировард натижа учун жавобгарлик ҳиссини уйғотади.

Олий тоифали педагог, халқ маорифи аълочиси, ЎзМТДП аъзоси Гулбаҳор Самадова ҳар йили мактабимиз ҳамда шаҳар микёсида бўлиб ўтадиган Наврўз тантаналари ва шу каби бошқа байрам тадбирлари учун ёзилган сценарийларга муаллифлик қилиб, бошловчи вазифасини ҳам зиммасига олган. Ўқув даргоҳимиздаги "Ғунча" рақс ансамбли тўгараги фаолияти ҳам мақташга арзигулик. Маҳбуба Холматова, Ситора Аловиддинова, Жамшид Раҳмонов кабиларнинг ҳар бир чиқиши кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Яқинда ҳамкасабамиз Гулбаҳор Самадованинг "Баҳор" мавзусидаги ижодий, ноанъанавий дарс ишланмаси Жиззах вилоят халқ таълими бошқармаси томонидан маъқулланиб, кенг педагоглар жамоаси ўртасида "Ижодий дарс ишланмаси" сифатида оммалаштирилди.

Ўтган ўқув йилида у "Донолик ва ташаббускорлик — сиёсий етакчилик мезони" кўрик-танловининг вилоят босқичида иккинчи ўринни эгаллагани учун ЎзМТДП Жиззах вилоят Кенгашининг фахрий ёрлиғи ва эсдалик совғалари билан тақдирланган эди. Шунингдек, мактабимиз ўқувчилари Наврўз байрами тантаналарида "Камолот" ЁИҲ ташаббуси билан Ўрда боғида ўтказилган "Сумалак сайли" тадбирида "Қадриятларимизни қадрлайлик" номинацияси ғолиби бўлишди. Мана беш йилдирки, "Райҳон" болалар ансамбли аъзолари ўз репертуарларини момою боболаримиз ижро этган кўшиқ, лапар ва миллий рақслар билан бойитиб бормоқда.

**Мазлума СОДИҚОВА,**
**Жиззах шаҳридаги 22-ихтисослаштирилган умумтаълим мактаби ўқитувчиси**



# БАЙРАМ ШУКУҲИ










VATAN TUYG'USI HAR NARSADAN USTUN
MILLIY TIKLANISH

**МУАССИС:** ЎЗБЕКИСТОН "МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ" ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ

**ХОМИЙ:** «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

**ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:** Ахтам ТУРСУНОВ, Аҳрор АҲМЕДОВ, Ғолибшер ЗИЯЕВ, Сувон НАЖБИДДИНОВ, Муҳаммаджон ҚУРОНОВ, Ғафуржон МУҲАМЕДОВ, Улуғбек МУҲАММАДИЕВ, Шоира УМАРОВА, Исмат ХУДОЁРОВ, Рустам ҚОСИМОВ, Эркин ЮСУПОВ, Баҳодир ШАРОФОВ, Арслон ЭШМУРОДОВ

**Бош муҳаррир:** Жалолиддин САФОЕВ
**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:** Тошкент-100000, Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди
**ТЕЛЕФОНЛАР:** (8-371) Қабулхона 234-69-55, Парламент ва партия ҳаёти бўлими (факс): 234-01-47
Бош муҳаррир ўринбосари 234-87-74, Бухгалтерия 234-87-73, Компьютер хонаси 234-86-41.
Ҳажми 8 босма табоқ офсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-2
«ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади.
2008 йил 29 октябрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан № 0223 рақами билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма — Г 319, Адади — 13850. Газетанинг баҳоси келишилган нархда.
**Навбатчи муҳаррир:** Исмат ХУДОЁРОВ
**Навбатчи:** Эркин ДОРИПОВ
**Саҳифаловчи:** Акбар ШОДИЕВ
**Электрон почта:** e-mail: milliyt@sarkor.uz
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 23.00.
***ISSN 2010-7714***

1 2 3 4 5